

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2019.FIL.05.02 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**  

---

**ҚЎҚОН ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

**ХОЛМАТОВА НИГОРА ЯКУБОВНА**

**ЭРКИН АЪЗАМНИНГ АДАБИЙ-ЭСТЕТИК ҚАРАШЛАРИ**

**10.00.02 – Ўзбек адабиёти**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ИЛМий ДАРАЖАСИНИ ОЛИШ УЧУН ЁЗИЛГАН ДИССЕРТАЦИЯ**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фарғона – 2022**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Content of dissertation abstract of doctor on philological sciences (PhD)**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
филологическим наукам**

**Холматова Нигора Якубовна**

Эркин Аъзамнинг адабий-эстетик қарашлари.....5

**Kholmato va Nigora Yakubovna**

Literary and aesthetic views of Erkin Azam.....25

**Холматова Нигора Якубовна**

Литературно-эстетические взгляды Эркина Азама.....45

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

List of published works

Список опубликованных работ.....50

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2019.FIL.05.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ҚЎҚОН ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

**ХОЛМАТОВА НИГОРА ЯКУБОВНА**

**ЭРКИН АЪЗАМНИНГ АДАБИЙ-ЭСТЕТИК ҚАРАШЛАРИ**

**10.00.02 – Ўзбек адабиёти**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ ОЛИШ УЧУН ЁЗИЛГАН ДИССЕРТАЦИЯ**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.3.PhD/FH692 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Қўқон давлат педагогика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.fdu.uz](http://www.fdu.uz)) ҳамда "Ziynet" Ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Кучкарова Мархабо Худайберганиевна  
филология фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Қосимов Абдуғофир Абдукаримович  
филология фанлари доктори, профессор

Якубов Исламжон Аҳмеджонович  
филология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Термиз давлат университети

Диссертация ҳимояси Фарғона давлат университети, ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.FIL\_05.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «5» апрел соат 14<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтди (Манзил: 100151, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси 19. Тел: (99873) 244-44-02)

Диссертация билан Фарғона давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (160 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100151, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси 19. Тел: (99873) 244-44-02).

Диссертация автореферати 2022 йил «24» май кўни тарқатилади.  
(2022 йил «24» май даги 45 рақамли реестр баённомаси).



Ш. М. Искандарова

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

М.Т.Зокиров

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш илмий котиби, филол.ф.д., доцент

А.Ф.Сабиржанов

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси,  
филол.ф.д., профессор

## Кириш (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати:** Жаҳон адабиётшунослигида ёзувчининг адабий-эстетик қарашлари, ҳаётий воқеликни бадиий талқин қилиш, эстетик баҳолаш, ёзувчининг эстетик идеали, ижодкор психологияси, ижодкор устахонаси каби масалаларга эътибор кучаймоқда. Инчунин, етук ёзувчининг адабий-эстетик қарашларини ўрганиш ҳар бир миллий адабиётда бош мақсадга айланган. Глобаллашув жараёнида одамлар онги ва тасаввурини умуминсоний, миллий кадриятлар асосида шаклланишида ёзувчи бадиий ижодий концепциясини теран англаш, улардаги образ, ғоя, мавзу, муаммо, ечим, ёзувчи идеалининг шаклланиши ҳақида қарашлар илмий-амалий моҳият касб этади.

Дунё адабиётшунослигида ёзувчи бадиий-эстетик қарашларининг шаклланиши, унинг воқеликка реалистик, романтик, ироник каби муносабатини ўрганиш, адабий-бадиий, ижтимоий-ахлоқий мезонларни таҳлил ва танқид этишдаги фикра, эссе, хотира каби жанрлардан фойдаланишига эътибор қаратиб келинади. Шу боис ёзувчининг бадиий публицистик услубдан фаол фойдаланиши, унинг ижодий нияти ва бадиий маҳорати ҳамда турли асарлар структурасини ташкиллашдаги адабий-бадиий, ижтимоий-фалсафий, бадиий психологик омилларни очиб бериш зарурати юзага келади.

Сўнги йилларда ижодкорнинг давр руҳияти билан яқинлигини ўрганишга талаб ортмоқда. Шу маънода Ўзбекистон халқ ёзувчиси, носир, публицист, драматург, киносценарист Эркин Аъзамнинг бадиий ва бадиий-публицистик асарлари мисолида ёзувчи адабий-эстетик қарашларини янгича бадиий-эстетик қарашлар контекстида тадқиқ этиш, бунда жаҳон адабиётшунослигининг илғор тадқиқот усулларини қўллаш, ёзувчи услуби, яратган образларини талқин ва таҳлил қилиш заруратини туғдиради. Зотан, “Ўзбекистон илм-фан, интеллектуал салоҳият соҳасида, замонавий кадрлар, юксак технологиялар борасида дунё миқёсида рақобатбардош бўлиши шарт”<sup>1</sup>лиги адабиётшунослик фани олдига ҳам назарий масалаларни жаҳон талаблари даражасида амалга ошириш вазифасини кўяди. Шунга кўра, ёзувчининг публицистик ижоди билан насрий, драматик ижодини параллел кўйиб кузатиш, таҳлил этиш керак бўлади. Айниқса, ёзувчи адабий-эстетик қарашларининг шаклланишида адиб яшаб ўтган муҳит, давр, замон, ижодий услуб, лиро-романтик кайфият ва киноявий позиция, публицистик жанрлар (фикра, йўл сафарномалари, хотира, суҳбат)га хос муаммо, танқидий мулоҳаза, талаб ва таклиф, сахна асарида қўйилган ижтимоий ва маънавий-ахлоқий муаммоларга қарши кулгининг заҳарханда киноявий шакли каби масалалар билан боғлиқ илмий-назарий муаммоларни тадқиқ этиш диссертациянинг долзарблигини белгилайди.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 22 декабридаги Олий Мажлисга мурожаатномаси // Халқ сўзи, 2017, 22 декабрь. - №258 (6952).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 февралдаги ПҚ–2789-сон “Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ–3271-сон “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги, 2020 йил 19 октябрдаги ПҚ-4871-сон “Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 16 февралдаги 124-Ф-сон “Ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётини халқаро миқёсда ўрганиш ва тарғиб қилишнинг долзарб масалалари” мавзусидаги халқаро конференцияни ўтказиш тўғрисида”ги фармойиши мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу тадқиқот муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Жаҳон адабиётшунослиги ва адабий-эстетик тафаккур тарихида ёзувчининг адабий-эстетик қарашлари билан бадиий ижод ўртасидаги ўзаро алоқадорлик муаммоси илмий-назарий жиҳатдан анча кенг ўрганилган<sup>2</sup>. Ўзбек адабиётшунослигида ҳаммуаллифлик асосида “Адабий-эстетик тафаккур тарихи” монографияси ва бошқа муаллифлар томонидан диссертация, рисола, мақолалар яратилган<sup>3</sup>.

<sup>2</sup> Афлотун. Давлат. – Тошкент: Янги аср авлоди. 2015. – 464 б.; Арасту. Поэтика. Ахлоқи кабир. Риторика. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2012. – 352 б.; Георг Вильгельм Фридрих Гегель. Эстетика. Биринчи жилд. Рус тилидан Махмуд Абдуллаев таржимаси. – Тошкент: Ўзбекистон файласуфлар жамияти, 2011. – 360 б.; Бахтин М.М. Вопросы литературы и эстетики. – Москва: Худож. лит., 1975. – 504 с.; Кант, Иммануил. Критика способности суждения. – Москва: Искусство, 1994 — 365.; Ковалев А.Г. Психология литературного творчества. – Л.: ЛОЛГУ, 1960; Выготский Л.С. Психология искусства. – Москва: Просвещение, 1986; Понамарев Я.А. Психология творчества. – М.: Наука, 1976; Лук А.Н. Психология творчества. – Л.: Наука, 1978; Психология процессов художественного творчества. – Л.: Наука, 1980; Мейлах Б.С. Психология художественного творчества: предмет и пути исследования. – Л.: Наука; 1980; Асмаилов А.Г. Психология личности. – М.: МГУ, 1990; Тамарченко Н.Д. Теоретическая поэтика: понятия и определения – М.: МГУ, 1999; Томашевский Б.В. Теория литературы поэтика. – М.: АСПЕКТ ПРЕСС, 1999; Есин А.Б. Принципы и приемы анализа литературного произведения. – М.: Флинта-Наука, 2000; Теория литературы а двух томах. (под редакцией Н.Д.Тамарченко). Том 1. Н.Д.Тамарченко., В.И.Тюпа., С.Н.Бройтман. Теория художественного дискурса теоритическая поэтика. – М.: АСАДЕМИYA, 2004; Теория литературы а двух томах. (под редакцией Н.Д.Тамарченко). Том 2. С.Н.Бройтман. Историческая поэтика. – М.: АСАДЕМИYA, 2004; Теория литературных жанров. (под редакцией Н.Д.Тамарченко). – М.: АСАДЕМИYA, 2011.

<sup>3</sup> Тоғаев О. Ўзбек бадиий публицистикаси (назария ва маҳорат масалалари). – Тошкент: Фан, 1973. – 207 б; Худойкулов М. Ўзбек бадиий публицистикасининг шаклланиш тамойиллари (XIX аср охири XX аср ўрталари ўзбек матбуоти материаллари асосида): филол. фанлари доктори ...дисс. – Тошкент, 2001. – 293 б; Шу муаллиф. Бадиий публицистика жанрлари. (ўқув қўлланма) – Тошкент: Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети босмахонаси, 2004. – 54 б; Раҳимжонов Н. Илмий тафаккур жилolari. – Тошкент: Фан, 1991. – 64 б; Шу муаллиф. Истиклол ва бугунги адабиёт. – Тошкент: Ўқитувчи, 2012; Шу муаллиф. Қодирийшунослик қирралари. – Тошкент: Наврўз, 2015. – 204 б; Болтабоев Ҳ., Махмудов М. Адабий-эстетик тафаккур тарихи. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2013. – 400 б; Досмухамедов Х.Н. Журналистнинг

Эркин Аъзам ижодини О.Шарафиддинов, Н.Каримов, Н.Владимирова, У.Норматов, А.Расулов, Й.Солижонов, Қ.Йўлдошев, Ф.Ҳамраев, Н.Жабборов, Ш.Ризаев, М.Қўчқорова, С.Тўлаганова, Г.Саттарова, М. Шералиева, О.Шофиев, М.Баратова каби адабиётшунослар ўрганган<sup>4</sup>.

касб-одоби муаммолари: назарий ва методологик таҳлил (Мустақиллик даври ўзбек матбуоти фаолияти мисолида. 1991-2008 йиллар): Султонов У. Чўлпоннинг адабий-эстетик қарашлари: филол. фан. номзоди ...дис. автореф. – Тошкент, 1995. – 29 б; Абдумуратов А. Публицистика Т.Каипберганава: специфика, тематика, жанрово- стилистические особенности: автореф. дис. ...канд. филол. наук. – Ташкент, 1997. –21 с; Саидов Ҳ. Маҳмудхўжа Бехбудийнинг публицистик ва муҳаррирлик фаолияти: филол. Фанлари номзоди ... дис. – Тошкент, 1998. – 137 б; Йўлдошбекова С.С. Чўлпоннинг публицистик ва муҳаррирлик фаолияти: филол. фанлар номзоди ... дис. автореф. – Тошкент, 2002. – 30 б; Тошмуҳаммедова Л. Абдулла Қодирийнинг адабий-эстетик қарашлари: филол. фанлари номзоди ... дис. автореф. – Тошкент, 2005. – 26 б; Тўлаганова С. Ижодкор шахси ва адабий қаҳрамон муаммоси (Абдулла Қодирий ижоди): филология фан. док. дисс... автореф. – Тошкент: 2019. – 70 б; Қўчқорова М.Х. Ҳозирги ўзбек адабиётида эссе жанри: филол. фанлари номзоди ... дис. – Тошкент, 2004. – 134 б.; Жамилова Б. Ўзбек болалар публицистикаси ва унинг ривожланиш тамойиллари: филол. фан. номзоди дисс... – Бухоро, 2004. – 155 б; Курбонова С. Ёзувчи публицистикасининг тараққиёт тамойиллари. - Тошкент: Муҳаррир, 2012, - 128 б; Гаипова Ҳ.Қ. Матназар Абдулҳакимнинг бадиий ва публицистик маҳорати: филол. фалсафа док. (PhD) дис... автореф. – Тошкент: 2019. – 54 б; Бурхонова Ф.А. Муаллиф адабий-эстетик қарашлари ва ижодий параллелизм (Н.Эшонқул ва У.Ҳамдам ижоди мисолида): филол. фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) ...дисс. автореф. – Тошкент, 2019. – 52 б.

<sup>4</sup> Владимирова Н. Новеллачиликдаги изланишлар // Ўзбек тили ва адабиёти. 1988. №6. –Б. 13-16; Норматов У. Янги аср одамлари // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 2009. 29 май; Солижонов Й. Тушунишнинг ўзи бахт // ЎзАС-2004 йил 26 январь. Жабборов Н. Ҳаёт булогидан баҳраманд ижод // Халқ сўзи. 2009. 29 май; Ризаев Ш. Мурасали умр ҳикояти// Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 2010. 15 январь; Саттарова Г. Рухият сувратлари талқини // Ишонч. 2009. 28 май; Тўлаганова С. Янгилаётган қаҳрамон талқини // Ўзбек тили ва адабиёти. 2012. №4. 95-99- бетлар; Тўлаганова С. “Қурок”нинг кўзи // Ёшлик. 2014. №12. – 35-37 бетлар; Улуғов А. Зиддиятлар талқини // Шарқ юлдузи. 1987. №9. – Б. 185-196; Улуғов А. Носирга истак // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1989. 17 март; Улуғов А. Жаннат ўзи қайдадир? // Хуррият. 2009. 27 июнь. – Б. 9; Қўчқорова М. “Шовкин”нинг шов-шувлари // Ёшлик. 2013. №1. 44-45-бетлар; Кучкарова М. Художественная обусловленность иронии (на материале произведений Э.Агзама) // Преподавание языка и литературы. 2013. №5. С. 31-33; Қўчқорова М. Киноявий образ яратишдаги бадиий шартлилик воситалари / Ўзбек адабиёти масалалари. Илмий мақолалар тўплами. Тошкент: 2013. 45-60-бетлар; Қўчқорова М. Асосий машғулоти адабиёт, аммо омадим кинода чопди... Эркин Аъзам билан суҳбат // Шарқ юлдузи. 2014. №1. – Б. 158-162; Қўчқорова М. Эркин Аъзам насрида сув шартли бадиий тимсоли // Тил ва адабиёт таълими. 2013. №12. – Б. 38-40; Қўчқорова М. Киноявий наср ва бадиий шартлилик // Ўзбек тили ва адабиёти. 2013. №6. –Б. 48-52; Kuçkarova M. Esas meşguliyetim edebiyattir fakat sinemada başarılı oldum...Sühbet. // Güncel sanat. Türkiye-Alaniya. 2014. Sayı 31. Temmuz-ağustos. S. 34-39; Kuçkarova Günümüz özbek nesrinde dağ simgesi /Edabiyatta dağ. XXV. Uluslararası KIBATEK edebiyat sempozyumu. Alanya-Türkiye 30-ekim-3-kasım 2013. Ankara Başkent klise matbaacılık. 2013. 490 s. – S. 271-280; Қўчқорова М. Янгилашган реализм: кино, байтбарак, прототиш масаласига доир / Ўзбек адабиётшунослигининг долзарб муаммолари. – Тошкент: Фан, 2018. – Б. 174-184; Шералиева М. Ҳозирги ўзбек насрида кино (ижтимоий-психологик омиллари, поэтик тизимдаги ўрни): Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Тошкент, 2018. – 52 б. Шералиева М. Қаҳрамон позицияси эстетик аналогия сифатида / Бобурнинг андишаси. Тошкент: Турон замин зиё, 2015. – 88 б. – Б. 35-42.; Шералиева М. Насрда лиризм ва кино. (Эркин Аъзам асарлари мисолида) // Шарқ юлдузи. 2012. №1. – Б. 156-161; Шофиев О. Истиклол даври ўзбек ҳикоячилигида образлар хилма-хиллиги (Эркин Аъзам ҳикоялари мисолида) / XXI аср – интеллектуал авлод асри илмий –амалий анжуман материаллари (7-8-июнь). Термиз -2016. 131-137-б; Шофиев О. Давр ва қаҳрамон / “Ёш олимлар” республика илмий-амалий конференцияси. 2016-йил 29-30-январь, 1-қисм. – Термиз, “Тафаккур”, 2016. – Б. 340–341.; Шофиев О. Деталь – муҳим тасвирий восита сифатида / Филологиянинг долзарб муаммолари. Илмий-амалий анжуман материаллари. Термиз. 2016. 18 май. – Б. 102-104; Шофиев О. Париждан қўнғироқ бўлгунча ва бўлгач // Сурхон ёшлари. 2015. 15 июль; Шофиев О. “Эрталабки хаёллар” жозибаси // Сурхон ёшлари. 2016. 15 апрель. – Б. 6; Шофиев О. Ўзбек адабиётшунослигида Эркин Аъзам ижодининг ўрганилишига доир айрим мулоҳазалар / “Филологиянинг долзарб масалалари” республика илмий-анжуман материаллари (2017-йил 6-апрель). – Термиз -2017. 63-67-б; Шофиев О. Образларнинг қиёсий тадқиқи: типология ва индивидуаллик / “Ўзбек филологиясида таҳлил ва талқин муаммолари” мавзусидаги республика илмий-назарий анжуман материаллари (2017 йил 26-27-май). 1-китоб. – Наманган, 2017. – Б. 255–258.

Адиб ижоди З.Умрқулов, Ё.Одилов, Д.Анданиязова, Ш.Тошхужаевалар тадқиқотида тилшунослик нуқтаи назаридан ўрганилди. “Эркин Аъзам бадиий олами” илмий мақолалар тўплами ва тадқиқотчиларнинг монографик китоблари ҳам бу соҳадаги ижобий натижалардан ҳисобланади<sup>5</sup>. Бирок адабиётшуносликда Эркин Аъзамнинг адабий-эстетик қарашлари ва унинг бадиий ижодига кўчиши масаласи етарли даражада ўрганилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклор институти илмий ишлари режасидаги ОТ-Ф1-77 рақамли “Ўзбек адабиёти дурдоналари” 100 жилдлигини нашрга тайёрлаш” номли фундаментал лойиҳаси ҳамда Кўкон давлат педагогика институти ўқув-режалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Эркин Аъзамнинг адабий-эстетик қарашларини аниқлаштириш, адибнинг олам ва одамга шахсий позициясини ифода этган бадиий ижоди ва публицистик жанрларини ёнма-ён қўйиб ўрганиш, икки хил ижод турида ёзувчининг адабий эстетик қарашларининг зухур топишини аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

муаллиф адабий-эстетик қарашларининг шаклланишида оилавий, маиший, ижтимоий, адабий муҳит ўрнини очиш;

адибнинг илк ҳикояларига хос лиро-романтик услуб орқали муаллиф эстетик дунёсидаги идеалнинг намоён бўлишини аниқлаш;

“Шовқин” романида яратилган киноявий бадиий модус ва қиёфадош образлар, рамз ва метафора, муаллифнинг танқидий-киноявий позициясини очиб бериш;

драматик жанрларда “боқимандалик”, “текинхўрлик”, “маънавий тубанлик”, “ахлоқсизлик” каби иллатларни фош этишда киноя, заҳарханда кулги, Шарқ ривоятларига, хусусан, Алишер Навоийнинг ижодий анъаналарига янги талқин беришни кўрсатиш;

адабий мақола, хотира, фикра, сафарнома, йўл хотираси, суҳбат каби публицистик жанрлар ҳамда драматик асарларда муаллифнинг адабий-эстетик олами ва унинг воқелик, адабий жараёнга танқидий муносабатини илмий асослаш;

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Эркин Аъзамнинг “Эрталабки хаёллар” тўпламига кирган мақола, сафарнома, хотира, очик хат, фикра, суҳбатлари, шунингдек, “Чироклар ўчмаган кеча”, “Олам ям-яшил”, “Отойининг туғилган йили”, “Байрамдан бошқа кунлар”, “Гули, гули”, “Кечикаётган одам”, “Жаннат ўзи қайдадир”, “Танҳо қайиқ”, “Ёзувчининг боғи”, “Танланган асарлар. 5 жилдлик” (2 жилди) бадиий тўплamlари танланди.

---

<sup>5</sup> Эркин Аъзам бадиий олами. - Тошкент: Турон замин зиё, 2014. – 304 б; Кўчқорова М. Ҳозирги ўзбек насрида бадиий шартлилик. – Тошкент: Фан, 2020. – 248 б; Шералиева М. Ҳозирги ўзбек насрида киноя. – Тошкент: Академнашр, 2016. – 224; Шофиев О. Эркин Аъзам насри бадиияти. – Тошкент: Қақнус медиа, 2019. – 172 б. Баратова М. Эркин Аъзам асарларининг бевосита инглизча таржимасига хос хусусиятлар. Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Бухоро, 2020.

**Тадқиқотнинг предметини** Эркин Аъзамнинг адабий мақола, хотира, сафарнома, фикра, очиқ хат, суҳбатлари ҳамда бадиий ижоди (роман, қиссалари, киноқиссалари, ҳикоялари, драмалари)ни ўрганиш ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот мавзусини ёритишда аналитик, қиёсий-типологик, қиёсий-тарихий, психологик, структурал, герменевтик таҳлил усулларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги:**

муаллиф адабий-эстетик қарашларининг шаклланишида оила, таълим-тарбия, устоз ижодкорлардан намуна олиш ва илк ижодий босқичдаги лиро-романтик кайфият муҳим аҳамият касб этганлиги ва ижодий услубнинг етакчилиги далилланган;

киноя ва заҳарханда кулги насрий ва драматик асарларида ҳам ёзувчининг бадиий-ғоявий позицияси ва эстетик идеалини намоён этувчи воситага айланганлиги далилланган;

асарларидаги маънавий-ахлоқий муаммоларнинг бадиий талқинида шунингдек, ёзувчининг адабий-эстетик қарашларини намоён этишда киноя ва заҳарханда кулгининг устунлиги исботланган;

ёзувчи бадиий публицистикасида эътибор қаратилган ижтимоий, маиший, маънавий-ахлоқий муаммоларнинг умуммиллий ва глобал аҳамиятга эгаллиги, бу борада ёзувчининг фикра жанридаги башарият ва жамиятимиз олдига қўйган таклифи ва эскирган миллий анъаналар ҳамда ижтимоий иллатларга қарши муросасозлиги, муаллифнинг эстетик олами, кескир мулоҳазалари аниқланган.

**Диссертациянинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат:

ёзувчининг адабий-эстетик қарашлари ва ижодкор психологияси, ёзувчининг эстетик идеали масалалари замонавий адабиётшуносликнинг илғор ёндашувлари асосида аниқланган;

Эркин Аъзамнинг адабий-эстетик қарашларининг намоён бўлиши “Эрталабки хаёллар” тўпламига кирган мақола, фикра, хотира, сафарномалари таҳлили орқали очиб берилган;

Эркин Аъзам реалистик тасвир усулни киноявий бадиий модус, рамзийлик, сарказм, беозор кулги, заҳарханда кулги билан бойитгани драматик, публицистик асарлари таҳлили мисолида кўрсатилган;

Эркин Аъзам адабий-эстетик қарашлари ва бадиий ижодининг устувор фазилатлари Ғарб адабиёти ва миллий адабиёт, қолаверса, ўзига хос ижодий индивидуаллик асосида шакллангани исботлаб берилган;

Эркин Аъзамнинг адабиёт, бадиий асар, санъат, илҳом каби ижодий лабораторияга боғлиқ илмий-назарий қарашлари ёзувчининг ўз мулоҳазалари орқали белгиланган;

Эркин Аъзамнинг муҳаррирлик, журналистик фаолияти, кино санъатидаги изланишлари билан бадиий ижоди ўртасидаги тафовут назарий қарашлар асосида кўрсатилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** муаммонинг аниқ қўйилгани, чиқарилган илмий-назарий хулосалар ва таҳлилларнинг аналитик, қиёсий-типологик, тарихий-қиёсий, структурал, герменевтик, таснифлаш,

тавсифлаш, контекстуал каби усуллар билан асослангани, ишончли назарий манбаларга таянилгани билан белгиланади.

### **Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Диссертациянинг илмий аҳамияти Эркин Аъзамнинг адабий-эстетик қарашларини илмий-назарий жиҳатдан белгиланишида намоён бўлиб, тадқиқот натижаларидан ижодкор адабий портретини яратишда, шунингдек, ижодкор психологияси, ижодкор эстетик идеали хусусида монографик тадқиқотлар ҳамда янги давр ўзбек адабиёти тарихини яратишда фойдаланиш мумкин.

Ишнинг амалий аҳамияти олий ўқув юртларининг филология факультетлари, академик лицейлар учун “Ҳозирги адабий жараён”, “Адабиёт тарихи”, “Адабиёт назарияси”, “Бадиий таҳлил асослари”, “Янги ўзбек адабиёти” фанлари ва ўқув курслари учун дарсликлар, ўқув қўлланмалар, ўқув-услубий мажмуалар тайёрлашда, махсус курс ва танлов машғулотларни ўтказишда фойдаланилиши мумкинлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Эркин Аъзам адабий-эстетик қарашлари масаласи бўйича олиб борилган тадқиқотлар, олинган илмий натижалар қуйидаги асосда жорийланган:

“Эркин Аъзам. Танланган асарлар”га киритилган “Шовқин”, “Шоирнинг тўйи” каби роман, қисса ва ҳикоялари жамланган жилддигига ёзилган “Кириш сўзи”да адибнинг ҳаёти ва ижодини ёртишда умумий илмий назарий хулосаларидан ОТ-Ф1-77 “Ўзбек адабиёти дурдоналари. 100 жилддигини нашрга тайёрлаш” фундаментал лойиҳасида фойдаланилган (Фанлар академиясининг 2021 йил 25 январдаги №3/1255-223-сонли маълумотномаси). Натижада Эркин Аъзамнинг адабиёт, ижод, бадиият, жанрлар, давр ва замон муаммолари ҳақидаги адабий-эстетик қарашларини “Кириш сўз”да ёритиб беришда асос бўлган;

Глобаллашув муаммоларининг бадиий талқини ва замондош образини ўрганишда Эркин Аъзамнинг “Эрталабки хаёллар” тўпламига кирган фикралар, суҳбатлар, адабий мақолалардаги ёзувчининг фаол ва онгли, очиқ муносабатини акс эттирган бир қатор бадиий публицистик асарлари таҳлилидан; Эркин Аъзам бадиий-публицистикасида етакчи жанр сифатида намоён бўлган 40 дан зиёд фикралар, жумладан, “Зарчопон”, “Кунгабоқарлар”, “Манни каша соғинчи”, “Шошмасдан, шошилинг...” каби публицистик чиқишларидаги замондошларимиз феъли табиатидаги салбий иллатларнинг киноявий танқиди, муаллифнинг бу жанрда кўрсатган танқид, тақлиф ва муаммони қандай қўйиши каби илмий-назарий хулосаларидан ОТ-Ф1-80-“Глобаллашув муаммоларининг бадиий талқини ва замондош образи” номли фундаментал лойиҳасида фойдаланилган (Фанлар академиясининг 2021 йил 6 сентябрдаги №3/1255-2435-сонли маълумотномаси). Натижада Эркин Аъзам бадиий-публицистикасининг жанрлар ранг-баранглиги, ёзувчининг бу жанр ва мавзуга қўшган янгиликлари; адабиёт, ижод, бадиият, жанрлар, давр ва замон муаммолари ҳақидаги адабий-эстетик қарашлари юзасидан олиб борилган тадқиқотларининг натижалари лойиҳа доирасида чоп этилган “Глобаллашув

муаммоларининг бадий талқини ва замондош образи” (Тошкент: Мухаррир, 2018) жамоавий тўпламни яратишга асос бўлган.

Абдулла Қаҳҳор ва Эркин Аъзам насри ҳамда публицистикасига хос муштарак ва фарқли бадий хусусиятларни ўрганишга бағишланган фасл ва бобларда илгари сурилган илмий назарий хулосалар, таклиф ва тавсиялар айнан Абдулла Қаҳҳор ижодиётини ўрганиш ҳамда тадқиқот ишида кўзда тутилган масалалардан А-1-059 рақамли “Абдулла Қаҳҳор Истиқлол адабий кўзгусида” мавзусидаги амалий лойиҳани бажаришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг 2020 йил 11 ноябрдаги 01-12-10-5063-сон маълумотномаси). Натижада мақола, тадқиқот юзасидан чоп этилган тезис ва бошқа материаллари билан ҳам грант хулосалари ва музей фондини бойитишга асос бўлган;

Ўзбекистон телерадиокомпаниясининг “Адабий жараён”, “Бедорлик”, “Такдимот” радиоэшиттириш ва кўрсатувларнинг сценарийларида (2020 йил июль-август) таҳлилий фикрлари ва назарий хулосаларидан фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “Ўзбекистон” телерадиоканалининг 2020 йил 3 сентябрдаги 04-25-795-сон маълумотномаси; “Ўзбекистон тарихи” телеканалининг 2021 йил 2 августдаги 02-40-1258-сон маълумотномаси). Натижада Ўзбекистон халқ ёзувчиси Эркин Аъзамнинг “Шайх Санъон қиссаси” “Шовқин” романи рамзий метафора сифатида” мавзусидаги илмий-таҳлилий кузатишлари радио тингловчиларнинг кизиқишига асос бўлган. Хусусан, роман матнида қўлланилган “Шайх Санъон” қиссасининг роман қахрамони Фарҳод Рамазон руҳияти ва ҳаётига эшлиги, параллел рамз сифатида қўлланилганига доир кизиқарли тадқиқот натижалари тегишли тавсиялар бериш билан бир қаторда уларнинг дунёқараши ва билимининг кенгайишига хизмат қилган. Шунингдек, “Такдимот” кўрсатувида Эркин Аъзамнинг адабий-эстетик қарашлари акс этган “Эрталабки хаёллар” бадий-публицистикаси билан бадий асарлари ўртасидаги уйғун мавзу, ғоялар талқини; киноя, танқидий таҳлил, замонавий муаммоларга муносабат, адибнинг ўткир ва тезкор адабий-эстетик нигоҳи намоён бўлган фикралар, суҳбатлар, сафар таассуротлари, хотиралар тақдимот кўрсатувда қисқача тарзда томошабинларга асослаб берилди. Натижада илм мухлислари ва адабиёт шинавандаларига Эркин Аъзамнинг адабиёт, ижод, бадиият, жанрлар, замон муаммолари ҳақидаги адабий-эстетик қарашларини кенг миқёсда ўрганиш бўйича бир қатор таҳлилий мулоҳазалар тақдим этилди;

Ёзувчилар уюшмаси Наср, Адабий танқид ижодий кенгашлари ҳисобот йиғилишларида, тўгараклар фаолиятларида, 2020 йилда Ўзбекистон халқ ёзувчиси Эркин Аъзам таваллудининг 70 йиллиги муносабати билан ўтказилган адабий кечаларда, илмий-назарий конференция ва ёш ижодкорлар билан учрашувларда тадқиқот натижаларидан фойдаланилган (Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг 2021 йил 19 майдаги 09-32/11-сон маълумотномаси ҳамда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Фарғона вилоят бўлимининг 2020 йил 28 октябрдаги 36-сон маълумотномаси). Натижада ҳозирги ўзбек насрининг таниқли вакиллари билан бири Эркин Аъзам насри ва публицистикасига хос

муҳим замонавий муаммоларнинг бадиий ва публицистик талқинидаги киноя ва унга хос воситалар; “Шовқин” романи, “Байрамдан бошқа кунлар”, “Забаржад”, “Отойининг туғилган куни”, “Шоирнинг тўйи” қиссалари таҳлили ўқувчиларнинг билим доирасини оширишга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси:** Тадқиқот натижалари 9 та илмий-амалий анжуманда, шу жумладан, 2 та халқаро ва 7 та республика илмий конференциясидаги маърузаларда илмий жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш чоп этилган. Шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий журналларда 6 та мақола, жумладан, 5 таси республика ҳамда 1 таси хорижий журналда эълон қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми:** Диссертация кириш, уч асосий боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, умумий ҳажми 144 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, унинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Эркин Аъзам адабий-эстетик қарашлари: асос ва такомил”** номли биринчи боб икки фаслдан ташкил топган. Биринчи фасл **“Ижодкор дунёқарашининг шаклланиши”** деб номланади. Маълумки, бадиий асарда, аввало, муаллифнинг ўзи мансуб бўлган халқнинг, қолаверса, бутун инсониятнинг етук бадиий-эстетик идеали ифода этилади. Шу маънода Ўзбекистон халқ ёзувчиси Эркин Аъзамнинг бадиий асарларида замонавий қаҳрамон руҳияти, тафаккур тарзи, турмуши тасвирланади. Уларда халқ дарди, орзу-ҳаваси, кишиларнинг интилиши, жамиятдаги турли воқелик бадиий-эстетик ёки бадиий-публицистик жиҳатдан баҳоланади. Бу эса ёзувчи адабий-эстетик дунёқарашига боғлиқ бўлади. Зеро, “Тизимли аниқланиб бориладиган бадиият бадиий сўз санъатининг эстетикаси бўлиши керак”<sup>6</sup>. Шу боис Эркин Аъзам ижодини тизимли тадқиқ этиш орқали унинг сўз санъати эстетикасига бўлган муносабатини теран англаш мумкин.

Адиб шу кунга қадар ўндан зиёд бадиий тўпламларини кенг адабий жамоатчиликка тақдим этди. У ўзбек насрининг роман, қисса, киноқисса, ҳикоя жанрларида ва драматик турда баракали ижод қилди. Шу билан бирга,

<sup>6</sup> Бахтин М.М. Вопросы литературы и эстетики. – Москва: Художественная литература, 1975. – С.10.

ёзувчи бадиий публицистиканинг мақола, сафарнома, фикра, адабий қайдлар, адабий портрет, хотира, суҳбат жанрларида ҳам қалам тебратди.

Э.Аъзамнинг адабий-эстетик қарашларининг шаклланишида миллий адабиётимизнинг катта авлод ижодкорларининг бадиий эстетик тажрибалари асос бўлди. Шу билан бирга жаҳон адабиётининг йирик ёзувчилари А.Несин, Ч.Айтматов, ўз замондошларидан Мурод Муҳаммад Дўст ижодига хос янгича услуб ва ёзувчи эстетик идеалларининг янгиллиги Э.Аъзамни ўзига жалб қилди. Э.Аъзамнинг икки улуғ устози А.Қаҳҳор ва А.Мухтор ҳаёти ва ижоди, адабий шахсияти Эркин Аъзам адабий-эстетик дунёқарашининг шаклланишида катта аҳамиятга эга бўлгани мазкур фаслда ўрганилди.

XX асрнинг 70-йилларига келиб, вульгар социологик талаблар ўзини оқлай олмай қолгани аён бўла бошлади. Чунки социалистик реализм ижодий методи талаби билан яратилган бадиий қаҳрамонлар ва сюжетлар қуруқ схематик қолип, жонли халқ ҳаётидан анча узоқ сунъий мафкуравий адабиёт эканлиги сезилиб қолди. Энди воқелик ва бадиий қаҳрамонларни ҳам янгилаш керак эди. Ҳатто, анъанага айланган реализм имкониятларини ҳам ўзгартириш зарурияти майдонга келди. Ана шундай вазиятда 70-йилларнинг адабий авлоди ўзбек адабиётига янги нафас олиб кирди. Хусусан, Мурод Муҳаммад Дўст, Т.Мурод, Э.Аъзам, Х.Султонга ўхшаган истеъдодли ёзувчилар ўзларининг янгича услубий изланишларини намоён қилиб, янги асарларини тақдим этишди. Масалан, Э.Аъзам "Чироқлар ўчмаган кеча" номли тўпламига кирган тўртта ҳикоясида ўзигача яратилган ўзбек насридаги образлардан тамомила фарқ қиладиган янги типдаги ўзига хос бадиий образларни яратди.

Дарҳақиқат, тадқиқотчилар эътироф этганидек, 70-йиллар адабий авлоди ўзбек адабиётида эстетик идеалларни ҳам янгилаб берди. Дейлик, А.Қодирийнинг идеал қаҳрамонлари Отабек, Кумуш, Юсуфбек Ҳожи, Офтоб Ойим, Мирзакарим қутидор, Анвар, Раъно каби образларни 70-йиллар адабий авлоди яратган наср намуналарида учратмаймиз. 70-йиллар адабий авлоди ҳаётда мукамал яралган идеал инсоннинг ўзи йўқлигини тушуниб етди. Дарҳақиқат, Оллоҳгина мукамалдир. Бандаси эса доим ноқис, гуноҳкор, хатокордир. Ислом таълимотига кўра, бандага Муҳаммад (с.а.в) пайғамбаргина комил инсон сифатида намуна қилиб кўрсатилади. Энди 70-йиллар адабий авлоди оёғи ердан узилган адабиётнинг нуқсонларини англаб етгани учун ҳам ўз асарларида ўзи мукамал бўлмаган ҳолда, мукамал бўлишга, номукамал жамиятда яшаётган қаҳрамоннинг мукамалроқ манзил макон излаши идеал даражасига чиқди. Шу маънода, Э.Аъзам насрига назар ташласак, унинг эстетик идеали ойдинлашади. Яъни ўзидан ўзи норози, ўтган умридан норози, яшаётган жойидан ва мавқеидан кўнгли тўлмаётган бадиий қаҳрамонлар эстетик идеал сифатида яратилганини англаш мумкин. Масалан, 80-йилларда яратилган Асқар Шодиев образи ("Отойининг туғилган йили" қиссаси) жамиятдаги адолатсизликка, таълим тизимидаги жўнликка қарши туради. Забаржад ("Забаржад" киноқисса) образи эса илмий текшириш институтдаги маънавий-ахлоқий тубанликка қарши бош кўтаради. У аёл киши бўлишига қарамасдан,

хаётда мустақил ўзи оёққа тура олади. У табиатан ўжар, қайсар қиз. Шу билан бирга Забаржад ҳам Асқар Шодиев каби исёнкор. Демак, ёзувчи идеалидаги исёнкорлик туйғуси муҳим эстетик позиция эканлигини англаш мумкин.

Э.Аъзам насрида заҳарханда кулги эстетик идеал сифатида кўзга ташланади. Заҳарханда кулги сатирик ва юмористик кулгидан фарқланади. Юмористик кулгида жамиятдаги салбий ҳолат устидан енгил кулги қилинади. Ижодкор сатирик кулги воситаси билан жамиятдаги салбий иллат батамом йўқ бўлишини истади. Киноянинг заҳарханда кулги воситаси билан ижодкор жамиятдаги салбий ҳодисаларга сарказм билан назар ташлайди ва ёзувчи китобхонда яқин ўтмишдаги хатолар ва камчиликларга танқидий ва таҳлилий ёндашув ва онгли тафаккурини ўстиришга ҳисса қўшади. Э.Аъзамнинг заҳарханда кулгиси, айниқса, “Чапаклар ва чалпаклар мамлакати”, “Шоирнинг тўйи” қиссаларида ҳам бўртиб кўринади.

Бобнинг иккинчи фасли **“Ёзувчи публицистикасининг муҳим хусусиятлари”** деб номланган. Бадиий публицистиканинг муҳим хусусиятларини мустақиллик даври мисолида таҳлил ва талқин қиладиган бўлсак, журналист публицистикаси, ёзувчи публицистикаси, илмий-хужжатли мемуаристиканинг турли ички жанрлари ривожини кузатиш мумкин. Ишда 80-90-йиллар бадиий публицистикасини биз қуйидагича таснифлаб кўрсатмоқчимиз:

1. Журналист публицистикаси (М.Саъдий, А.Жўраев, А.Мелибоев, О.Тошбой, О.Ўсаров ва бошқалар);
2. Ёзувчи публицистикаси (Т.Мурод, А.Аъзам, Ў.Ҳошимов, Э.Аъзам, Х.Султон, А.Шер, Х.Дўстмуҳаммад, Ш.Бўтаев, Л.Бўрихон, И.Султон, У.Ҳамдам, Қ.Норқобил ва бошқалар);
3. Илмий хужжатли мемуаристика (М.Кўшжонов мемуар асарлари, “Замондошлар хотирасида” туркумида чиққан нашрлар: “Асқад Мухтор замондошлари хотирасида”, “Шукур Холмирзаев замондошлари хотирасида”, “Нодир Норматов замондошлари нигоҳида”, “Ғаффор Мўминов дилдошлари хотирасида”, “Тоғай Мурод замондошлари хотирасида”, “Ўзбек адабиётшунослигининг икки маликаси: Нинель Владимирова ва Машҳура Султонова замондошлари хотирасида”, “Иззат Султон замондошлари хотирасида”, “Бегали Қосимов замондошлари хотирасида” ва ҳ.зо.);
4. Маърифий-биографик роман жанри (Н.Каримов, Х.Султон).

Демак, ўзбек бадиий публицистикаси жанрлар, мавзулар, муаллифлар нуқтаи назаридан такомиллашиб, мукаммаллашиб бойиганини кузатишимиз мумкин. Ёзувчи публицистикасининг турфа жанрларида ёзувчи-шоирлар, олимлар баракали ижод қилишди. Мазкур фаслда ёзувчи, публицист, драматург, киносценарист Э.Аъзамнинг салкам олти юз саҳифалик “Эрталабки хаёллар” тўпламига жамланган бадиий ҳамда танқидий публицистик ижодини таҳлил этамиз. Аммо бу таҳлилларимиз шунчаки мақола, суҳбат, фикраларнинг аналитик таҳлилидан иборат эмас. Балки ёзувчи публицистикасида сочилиб ётган ижодкор шахснинг “мен”нини

аниқлашга қаратилган, шунингдек, муаллифнинг ҳикоя, қисса, киноқисса, роман жанрлари ҳақидаги назарий фикрлари, умуман ижодкорнинг бадиий ва танқидий публицистикасида мавжуд бўлган “мен” нини яхлит бир бутун ҳолда кўрсатишдан иборат.

Э.Аъзамнинг адабий қайдларида ёзувчининг ҳикоя, қисса, драма, санъат, бадиий тил, миллий рух, миллий жонли тил, инсоний дард каби кўпдан кўп илмий масалалар ҳақидаги адабий-эстетик қарашлари бўй кўрсатади.

Э.Аъзамнинг 1980 йилда ёзилган “Ҳикоя, ҳикоя...” номли мақоласи бор. Унда ёзувчи ҳикоянинг турларини кўрсатиб беради, ҳозирги ўзбек адабиётида яратилаётган ҳикояларнинг ҳам камчиликларини кўрсатган, ҳам назарий фикрларини билдиради: “Ҳикояларимиз кўпинча жўн бир воқеа, дидактик фикр асосида ёзилади. Тўғри, ҳикоянинг тури кўп: характер-ҳикоя, ситуация-ҳикоя, кайфият-ҳикоя, маъно-фикр учун ёзилган ҳикоя... Бироқ, ҳар қайси ҳолда ҳам у теран ҳаётӣй, ҳаққонӣй бўлиши шарт.

Кейин, кўпинча воқеанинг қуруқ баёнига берилиб кетилади. Натижада, ситуациялар ўхшашлиги, такрор, сийқалик, схематизм иллатлари юзага чиқади. Майли, авторнинг ўша дамдаги кайфияти, ўйлари, фикрлари акс этсин. Асар ўшанда ўзига хос, оригинал бўлади, индивидуалликка эришилади. Баъзан ҳикоянинг санъат асари эканини унутиб, гап айтишга, газетадаги оддий танқидий хабардаги фактларни проблема қилиб кўтаришга берилиб кетамиз. Менимча, ҳар бир ҳикоя биринчи галда авторнинг ўзи учун янгилик, олдингиларига ўхшамаган, қаламга олинган характер биланми, ситуация биланми, ёзилиши, композицияси биланми – маълум даражада кашфиёт бўлиши керак”<sup>7</sup>. Мазкур парчада ёзувчининг адабиётшунос сифатидаги қиёфаси намоён бўлади. У ҳикоя жанри ва уни яратишга бўлган талаблар ҳақида сўз юритар экан, фикрларини эркин, илмий-публицистик услубда равон ифодалайди. Эркин Аъзам бадиий адабиёт, адабий жараён, жанрлар табиати ҳақида сўз юритар экан, ўз илмий-назарий қарашларини аниқ келтиради.

Э.Аъзамнинг адабий-назарий муаммоларга бағишланган мақолаларидан ташқари, унинг чет мамлакатларга қилган саёҳатлари натижасида яратилган бир қанча “сафарнома” мақолалари ҳам бор. Ёзувчи хорижга қилган саёҳатлари ҳақидаги мақолаларининг жанрини “сафарнома” деб атайди. Демак, у ёзувчи публицистикаси жанрлари номланишига ҳам маълум маънода янгилик киритди. Тўғри, мумтоз ўзбек адабиётида Муқимийнинг машҳур “Саёҳатнома”лари бор. Умуман, ўзбек адабиётида саёҳатнома жанри қадимий ва узоқ генезисга эга бўлган жанр. Э.Аъзам ўзбек адабиётида мавжуд бўлган жанр имкониятларидан фойдаланиб, унга публицистик пафос, рух беради. Жумладан, адибнинг “Техронда кўркув йўқ...” (Эрон таассуротлари асосида), “Океан ортидаги табассум” (Америка таассуротлари асосида), “Рейн бўйидаги учрашувлар” (Германия таассуротлари асосида ёзилган) сафарномалари бор. Муаллиф “Кулгидан

<sup>7</sup> Аъзам Э. Ҳикоя, ҳикоя... / Эрталабки хаёллар. – Тошкент: Ўзбекистон, 2015. – Б. 220.

йиғи чинроқ” мақоласида шундай ёзади: “Мен ватанни Ватанда эмас, чет элларга чиққанда яққолроқ ҳис қиламан: худди жондай бир нарсамни йўқотгандек безовта бўлавераман. Шундай нарсаки, усиз ҳаёт-ҳаёт эмас, омонат бир рўзгузаронлик. Ватан дегани шу бўлса керак.

Ватанни мен қачон бор бўйи билан ҳис қилдим?”<sup>8</sup> Ёзувчи Ватан тушунчаси ва унинг шахс томонидан англаниши учун ҳижрон қанчалик кераклигини таъкидлайди. Ўзи ватан туйғусини англаши, кадрига етиши учун қалбидан ўтган кечинма ва ҳаёлидаги мулоҳазаларини баён этади. Бу ижтимоий-фалсафий ва бадиий публицистик йўсинда бўлса-да, ўқувчига тез ва осон етиб боради.

Э. Аъзамнинг бадиий публицистикасида миллий анъана ва қадриятлар, фарзанд бурчи, Ватанга садоқат, тарихни холис баҳолаш, Шарқ ва Ғарб маданияти, адабий қарашлари, тафаккур дунёси ҳақидаги қатор мазмундор мақолалар композициясининг асосини ташкил этган коллизия бир-бирига зид ижобий ва салбий фактлар тўқнашуви ва бунга ёзувчининг муносабати орқали намоён бўлади.

Тадқиқотнинг иккинчи боби “**Эркин Аъзам эстетикасидаги олам ва одамни кузатиш тамойиллари**” деб номланган. Мазкур боб ҳам икки фаслдан ташкил топган. Бобнинг биринчи фасли “**Шовқин**” романида киноя ва сарказм” деб номланган. “Шовқин” романи 90-йиллар охиридаги совет империясининг таназзули ва катта авлоднинг фожиалари талқинига бағишланган. Ёзувчи романда киноявий модусда кўрсатган “дурагай образлар”, миллий эътиқоднинг бузилиши, миллатларнинг ўзаро чатишиши натижасида эътиқодлар ва анъаналарнинг мавҳумлиги, қиёфасиз кишилар фожиаси унинг бир қатор бадиий публицистик мақолаларида ҳам танқид қилинади. Роман таҳлили жараёнида ана шу мавзуга дахлдор публицистик мақолалари ҳам таҳлил қилинди. Жумладан, “-Ов”, “-Ов”..., “-Вич”, “-Вич”..., “Муносиб бўлайлик”, “Қачон ўзбекча гапирамиз?” каби мақола ва фикраларида ана шу жиддий муаммо танқид остига олинган. “Шовқин” романи киноявий бадиий модус асосига қурилган. Романда 40 дан зиёд бадиий қаҳрамонлар иштирок этади. Жумладан, Фарҳод Рамазон (киноценарист), Вика (киноактриса), Гуля Лагутина (киношунос), Элмира Камолова (киношунос), Салмонова Тарона Самед қизи (бева хотин), Гугушидзе (дурагай), Равшан Ақобиров (кинорежисёр), Горбачёв (ташқи кўриниши Михаил Горбачёвга ўхшаган ўзбек йигити), Платон Сократович (демократ сиёсатчи), Адҳам Делон (машҳур актёр Ален Делонга ўхшайдиган йигит), Мирзо Рамазон, Собиржон Мансурович (замонапараст ёки шўропарст одамлар образи) ва бошқалар романда иштирок этади. Ёзувчи “кино” сўзига катта бадиий-ғоявий юк юклайди. Жумладан, романда Э.Аъзам кино сўзи орқали 50 га яқин кино ўзакли сўзлар ясайди. Кинобобо, киномомо, киноарбоб, кинокелин, кинохоним, киноҳужжатчи, киноафсона, киножанон, кинобой, киноулфат, киноқилиқ, киношўрлик, кинокатта, киноқул, киносафар, киноғурбат ва ҳоказо. “Кино” ўзакли янги сўзлар яшаш орқали

<sup>8</sup> Аъзам Э. Кулгидан йиғи чинроқ / Эрталабки ҳаёллар. – Тошкент: Ўзбекистон, 2015. – Б. 20.

ёзувчи асарда киноявий услубни маромига етказиб тасвирлайди. Ёзувчи кино ўзакли янги сўзлар орқали кино соҳасида фаолият олиб борган қаҳрамонларининг ожизлиги улар тушган вазиятнинг абсурдлигини кузатиш орқали тасвирлайди. Қаҳрамонлар ҳаётни юқоридан туриб ҳиссизлик, бепарқлик билан тасвирлаш орқали киноявий модус юзага чиқади. Романда ташқи кўриниши машҳур сиёсий арбоблар, дунёга таниқли файласуфлар, жаҳон юлдузлари саналган кўшиқчи ва актёрларга пародия қилинган образлардир. В.И.Ленин, М.Горбачёв, Елцин, Алла Пугачёва, Иван Грозний, Платон, Аллен Делон, Диана, Сукрот, Фидель Кастро, Хўжа Насриддин, Шайх Санъонлардир. Масалан, романда доҳийпараст қари чол образи учрайди. Адиб бу доҳийпарастлик дардига чалинган қаҳрамоннинг Владимир Ильич Ленинга эътиқоди жуда баланд эканлигини киноя билан тасвирлайди.

Э.Аъзам шўро давридан қолган “доҳийпараст”, “советпараст”, “ленинчи коммунист” одамларнинг образини типиклаштириб байналмилалчи чол образида мужассамлаштиради. Адибнинг шу ўринда “Доҳийпарастлик дарди” мақоласини эслаш жоиз. Муаллиф мазкур мақолада шўро даврининг даҳоларига сажда қилиб ўтган сохта эътиқодли кишиларни танқид қилади. Э.Аъзам байналмилалчи ва доҳийпараст одамлар образини “Шовқин” романида бадиий образ сифатида яратишдан олдин публицистик мақоласида киноявий танқидий мулоҳаза билан чиқиш қилади. Байналмилалчи чол Фарҳод Рамазонни “мафқураси чаток” деб билади. Унинг руҳиятида доҳийлардан кўрқув ҳисси бор. Шу кўрқув, тобелик ва маҳкумлиқ уни сохта эътиқодли одамга айлантирган. Фарҳод Рамазон унинг эскирган ақидалари билан келиша олмайди ва унга танқидий муносабатда бўлади. Эркин Аъзам романда жамият ва жамиятдаги норасоликларни киноявий танқидий баҳолаш орқали ўзининг эстетик қарашларини реалистик йўсинда тасвирлашга эришган. Шунингдек, мазкур фаслда, Фарҳод Рамазоннинг ҳаёти ва қисмати Шарқ мумтоз адабиётида кенг тарқалган “Шайх Санъон қисса”сига рамзий параллел рамз сифатида акс этгани таҳлил этиб берилган. Назаримизда, “Шайх Санъон”дек машҳур қиссани, янада очикроғи, Авлиё одам ҳақидаги қиссани бадиий матнга киритишга ҳамма ҳам журъат эта олмайди. Эркин Аъзам эса бу ишга журъат этди. Ёзувчининг роман матнида “Шайх Санъон қиссаси” воқеаларига монанд равишда асар қаҳрамони Фарҳоднинг ўзга миллат вакили бўлган қизга ошиқ бўлиши, Оллоҳ даргоҳи олдида никоҳланиб, йиллар ўтгач, фарзандли бўлганини англаш каби ҳолатлар қадим қисса мотивига маълум маънода бадиий ишоралар беради.

Эркин Аъзам “Шовқин” романида ўтмиш умр соғинчини бадиий ифодалашни мақсад қилган эмас, унда бошқа дард, муддаолар ҳам бор. Ёзувчи Фарҳод Рамазоннинг ўй-кечмишлари, хотиралари йўсинида роман композициясини берар экан, асар структурасига Шайх Санъон ҳикоясини янги ижодий изланиш сифатида асарга киритади. *“Одамзотнинг ўй-хаёллари, қилмиши машғулоти унинг қисматига таъсир ўтказмай қолмас экан. Дейлик, сен нега келиб – келиб Шайх Санъонни ёздинг? Чунки нимаси биландир ўшанга яқин бир ёзуғ бошинг узра кўланка солиб турарди. Янада аниқроғи – имконсиз ишқ савдоларига гирифтор бўлмаганинда, сен шу мавзуга қўл*

*урармидинг ёки уни бу қадар эҳтирос ила қозоғза тушира билармидинг?! Сен қайда-ю, минг йиллар нари яшаб ўтган жунунваши кўнгил, унинг илоҳий талпинишлари қайда! Аммо ўртада сизларни ўзаро боғлайдиган нозик бир ришта – бир-бирига талпинган икки кўнгилни бир-биридан жудо этадиган кучларга қарши норозилик исёни йўқмиди?! Бу омонсиз муҳорабада ким голиб келгани эса аён. Шайх Санъон, Шайх Санъон...”<sup>9</sup>*

Фарҳод Рамазон минг йиллар олдин яшаб ўтиб кетган аждоди Шайх Санъон руҳияти билан ўзининг руҳияти ўртасида қандайдир ўхшаш ришталарни кўради. Натижада, у Шайх ҳақида ажойиб бир сценарий ёзади.

“Шайх Санъон қиссаси”нинг “Шовқин” романининг қаҳрамони Фарҳод Рамазон ҳаётига, қолаверса, бутун башарият ҳаётига нақадар параллел рамзий метафора ҳисобланади. “Шайх Санъон” қиссаси киритма ҳикоя сифатида асар бутунлиги билан мазмуний боғланган бўлиб, ёзувчи бадиий концепциясини ифодалашга хизмат қилади. Эркин Аъзамнинг олам, одам ва замон ҳақидаги бадиий концепциясини ифодалайди. “Шайх Санъон” қиссаси киритма ҳикоя сифатида асар композициясида жанр хусусиятларига кўра ҳикоят, сценарий бўлиб, у асар структурасига Фарҳод Рамазон сценарийси кўлёмаси усулида киритилади. Ушбу киритма ҳикоя шунингдек, асосий воқеаларга параллел тарзда бериб бориладики, бу ҳам ёзувчининг ғоявий мақсади ифодасига хизмат қилади. Эркин Аъзам “Шовқин” романи структурасида “Шайх Санъон қиссаси” сюжети, образлари ва қисса билан боғлиқ деталлар, воқеаларга бадиий ишоралар бериш орқали Инсоннинг синовли дунёда доим гуноҳкор банда эканлигига рамзий ишора қилади. Ёзувчи роман бош қаҳрамони Фарҳод Рамазон қисмати ва кечинмалари орқали тавба қилган, ўзини излаган инсон руҳий драмасини теран таҳлил этиб беради.

**Иккинчи бобнинг иккинчи фасли “Драмада маънавий-ахлоқий муаммоларнинг ифодаланиши”** деб номланган. Бу фаслда адибнинг “Шажара” ҳамда “Фаррош кампирнинг туши” асарларида маънавий-ахлоқий муаммоларнинг бадиий талқини масаласи ўрганилди. Адибнинг “Фаррош кампирнинг туши Бошига “кулфат” тушган бир бекорчихона хангомаси” асари ҳеч бир тўпламига кирмаган. Мазкур драма “Ёшлик” журналининг 2011 йил сонидида чоп этилган. Сарлавҳанинг ўзидаёқ Э.Аъзамнинг ўзига хос кинояси акс этган, яъни драмада ишининг тайини бўлмаган ташкилот ходимларининг ҳаётидан бир хангомани ҳикоя қилади. Асарда бекорчихона ахллари Раҳбар Раҳбарович, Муовин бува, Гулибарно, Ҳисобчихон, Иқтисодчи хоним, Бўлим бошлиғи, Бош мутахассис, Мутахассис хоним, Ҳайдовчи йигит, Фаррош кампир ва бошқалар иштирок этади. Драма икки қисмдан иборат. Биринчи қисм “Ошгача”, иккинчи қисм “Ошдан кейин” деб аталади. Драма композицион нуқтаи назардан қаралганда, “дийдиё” деб номланган қисмлардан иборат. Биринчи қисм тўрт “дийдиё”дан иборат, иккинчи қисм ҳам тўрт “дийдиё”дан иборат. Э.Аъзам мазкур драмани композицион қисмларнинг номланишида янгилик қилган ҳолда “Дийдиёнинг

<sup>9</sup> Аъзам Э. Шовқин. - Тошкент: “O‘ZBEKISTON”, 2011. - Б. 183.

бошланиши” билан бошлаб охирини “Дийдиёларнинг охири” деб тугатади. Ҳангома, бир ташкилотда ишлайдиган фаррош кампир Қумри опанинг тушида содир бўлади. Шунинг учун ҳам ҳангома “Фаррош кампирнинг туши” деб номланган. Ҳангомада фаррош кампирнинг тушида у ишлайдиган ташкилот Қўйлиққа кўчиши ҳақида хабар тарқалади. Шу ишончсиз маълумот асосида ташкилот ходимлари янги кўчиладиган бинодаги хоналар устида талаш-тортиш, эски бинодаги эски жиҳозларга эгалик қилиш ҳақида мунозаралар бошланиб кетади. Кузатиб турганимиздек, бу драмада ажиб ҳангомалар баён қилинади. Моҳир драматург жамиятда давлат берадиган моянага яшаб, текинхўр ва боқимандалик кайфиятига тушиб қолган замондошлари устидан захарханда кулги билан кулади ва ҳангомалар қилади. Ҳангомада тасвирланган Бекорчихона ташкилоти аъзоларининг қиладиган асосий ишининг тайини йўқ, эрталабдан кечгача наҳор ош ва кечки ошни кутиб яшайди. Адиб ҳангомани бежиз икки қисмга бўлиб тасвирламаган яъни биринчи қисм “ошгача”, иккинчи қисм “ошдан сўнг”. “Фаррош кампирнинг туши” драмасида ҳам ахлоқий муаммо, ҳам ижтимоий муаммо етакчи ўринда туради. Бир сўз билан айтганда, драмада чуқур ижтимоий дард ўз ифодасини топган. Яъни драматург собиқ шўро давридан қолиб кетган, чириб бўлган, эскича ишлаш ва яшаш қолипига тушиб қолган боқиманда салбий типларни ахлоқий ва ижтимоий ракурсдан туриб баҳо беради. Бу ҳангоманинг воқеалари ва танқидий киноявий пафоси китобхонни ҳалоллик, меҳнатқашлик ва ахлоқий гўзаллик учун курашга чорлаб қолади. Э.Аъзамнинг навбатдаги “Шажара” драмасида ҳам маънавий-ахлоқий муаммоларнинг бадиий талқини етакчи ўринда туради. “Фаррош кампирнинг туши” ҳангомаси дийдиёлардан ташкил топган бўлса, “Шажара” драмаси тусланишлардан иборат. “Шажара” драмасида Бек бобо, Умар болта, Кишвар момо, Замон шажара, Зайтунахон, Ўктам ва-ва, Тўтихон ўқиган, Марат бизнес, Пакана тоға, Новча жиян, Наби лазгин, Чучук меҳрибон ва бошқа қаҳрамонлар иштирок этади. Агар ҳар икки драмада иштирок этган қаҳрамонлар исмига эътибор қаратадиган бўлсак, Э.Аъзам қаҳрамонларига исм танлашда одатдаги бадиий мезонларга риоя қилмайди. Масалан, адиб қаҳрамонлари исмида уларнинг касб-кори, қилиғи, характери намоён бўлади. Дейлик, “Фаррош кампирнинг туши” ҳангомасида фақат бир нафар қаҳрамонгина одамларга кўйиладиган одатдаги исм билан аталади. Бу образ Қумри хола. Қолган персонажлар эса Бекорчихона ташкилотида эгаллаган лавозими билан номланган. Асарда қаҳрамонлар исми ёзувчининг киноявий эстетик дунёқарашини бадиий ифодалашга хизмат қилган. “Шажара” драмасида кишлоқ аҳлини инсофга чақириб турувчи тоза одам Умар болта образидан ташқари Пакана тоға ва Новча жиян ҳам драмада кулгили ҳажвий тасвир яратишга хизмат қилган. Демак, тоға-жиянлар образи драмада муаллифнинг жамият ноқисликларига сатирик муносабатини, яъни адабий-танқидий позициясини ифодалашга хизмат қилган. Тоға-жиянлар нукул тоғалик устида жанжал қилади. Ҳар бири ўзини “тоға” деб айттиргиси келади. Драма якунида Умар болта уларнинг ечимсиз туюлган келишмовчилигини ҳал қилиб беради. Драмадаги Марат бизнес бойлик, пул

деб қишлоқдаги қабристон ичидаги Қайнарбулоққа ҳам хўжайинлик қилади. Булоқ суви бизнеси билан шуғулланади. Марат бизнес ўзини таги зоти тоза, палаги тоза насл деб билади. Ўзининг асл келиб чиқишини яшириш учун шажарашунос олима Зайтунахонга пўписа ҳам қилади. Бу хангомаларни бир чеккада туриб кузатаётган Умар болта иккита калла суягини олиб дарахтга илиб қўяди. Калла суяги детали орқали ёзувчи киритма ҳикояга “Искандар ва гадо ривоятга ишора қилади.”

Бу иккита калла суяги беихтиёр Шарқ халқлари оғзаки ижодида қадимдан мавжуд бўлиб, кейинчалик ёзма адабиётга кўчган, жумладан, Алишер Навоийнинг “Садди Искандарий” достонидаги машҳур ривоятни эсга солади. Драма матнига киритилган мазкур фольклоризм унсури башариятни борар жойи, охирги манзили бир эканлигини англатади.

Э.Аъзам драмада Алишер Навоийнинг тарбиявий аҳамиятга молик ривояти деталидан унумли фойдаланган ҳолда асар қаҳрамонларига, ҳам томошабинга ёки ўқувчига ўғит беради. Драматург жамият маънавий-ахлоқий ҳаётига салбий таъсир этувчи, фирибгар, иймонсиз, ахлоқан бузук нусхаларни умумлаштириб, Замон шажара, Марат бизнес образлари мисолида бадиий гавдалантиради. Бу кимсалар ўзларининг шахсий манфаатлари йўлида, ҳар қандай ишдан тап тортишмайди. Драманинг бадиий-эстетик аҳамияти шундаки, у томошабинни ёки ўқувчини шунчаки кулдирибгина қолмасдан, даврга хос маънавий-ахлоқий, ижтимоий муаммоларни ва иллатларни англаб етишга ва бу каби ноҳақлик ва адолатсизликларга қарши курашишга даъват этади. Диссертациянинг учинчи боби “**Эркин Аъзам бадиий-публицистикасида танқидий эстетик қарашлар**” деб номланган. Биринчи фасл “**Фикра жанри: муаммо, танқид, таклиф**” деб номланган. Мазкур фаслда Эркин Аъзамнинг “фикра” номи остида чоп этилган ҳажман қисқа, аммо мазмунан теран битиклари, яъни фикралари таҳлил қилинди. Бинобарин, тўпламига муаллифнинг 40 дан зиёд фикралари “Эрталабки хаёллар”нинг “Шап-шап деганча...” фаслига киритилган. Адибнинг фикралари дастлаб “Тафаккур” журналида чоп қилинган, сўнгра “Жаннат ўзи қайдадир” тўпламига маълум бир қисми киритилган. Эркин Аъзам фикраларни “Тафаккур” журналининг “Мухаррир минбари” рукнига мослаб ёзди. Улар ҳажман ниҳоятда ихчам, аммо мазмунан бақувват. Жумладан, муаллифнинг “Бой бўлай десангиз...”, “Инсон ўзинг”, “Шошмасдан шошилинг”, “Уят бўлади”, “Жаннат қидириб”, “Жонажон” укашонлар”, “Ҳозирийлар”, “Манний каша соғинчи”, “Зарчопон” каби ўнлаб фикралари ижтимоий-маиший ҳаётда учрайдиган муҳим маънавий-ахлоқий, маиший-ижтимоий муаммоларга бағишлангани билан китобхон эътиборини тортади.

“Жаннат қидириб...” фикрасида ҳовли-жойини сотиб, бундан ҳам яхши, шоҳона ҳаёт истаб Америкага кетаётган бир замондоши ҳақидаги кузатувларини ёзади. Мазкур фикрага қаҳрамон бўлган ҳаётий шахс кейинчалик Э.Аъзамнинг “Жаннат ўзи қайдадир ёхуд Жийдалидан чиққан Жўракул” драмасига ҳаётий асос бўлди. Муаллиф бойлик ва моддият ортидан қувиб кетаётган замондоши қисматига Нажмиддин Кубро ҳаётини

карама-қарши қўяди. Фикрада икки ҳаётӣ мисол қаршилантрилиб, муаллиф ўқувчи қалбида, онгу шуурида ватанпарварлик ҳиссини, тарбиялашга ҳаракат қилади. Фикрада қаерда, қай манзилда дунёга келмоқ, қай гўшада киндик қони тўкилмоғи – бу тақдири азал, қисмат эканлигини алоҳида тарихий факт билан таъкидлаб кўрсатади: “Урганчи ёғий босганда, “Шайх оёқ остида қолмасунлар, ўғлон ва ушоқлари бирлан қалъадан чиқиб кетсунлар”, деган таклиф бўлди. Ҳазрати Шайх айтиб юбордиларким, яхшиликда мен бу халқнинг тамоми бирлан ошно ва дўст-ёр эрдим, эмди ёмон кунда нечук буларни ташлаб борайин...” Нажмиддин Кубро жон сақлаш имкониятини рад этибгина қолмай, душманга қарши юзма-юз жангга киришиб, ватан озодлиги йўлида халок бўлгани маълум”. Адиб услубига хос киноя, захархандалик билан “Ватанинг нечта, ватандош?..” деб, Ватанни синов кунларида уни ташлаб, хаёлий жаннат қидириб юрганларни, Ватан қаддини ростлаганида қозоннинг бошида пайдо бўлиб қоладиган инсонлар ҳақида жиддий фикр юритади. Ана шундай қаноатни билмайдиган инсонлар ҳақида “Шукру қаноат” фикрасида ҳам ёзади. Фикрада инсонларда шукру қаноат йўқолиб бораётганини, қаноатни билмаган инсонда ҳаловат ҳам бўлмаслигини айтади. “Искандарнинг бу дунёда нега қўли очик кетибди?” саволи билан мурожаат этади ва ўқувчини ўйлашга мажбур қилади. Бобнинг иккинчи фасли **“Хотираларда адиблар сиймоси”** деб номланган. Э.Аъзамнинг “Эрталабки хаёллар” тўпламидан ўрин олган устозлари, замондошлари тўғрисидаги хотиралари ва адабий портретлари “Ёндошлар, замондошлар” фаслига киритилган. Мазкур фаслга 19 та хотира ва адабий портрет жамланган. Бу хотиралар турли йилларда, турли хил муносабатлар билан ёзилган.

Э.Аъзам хотираларини жанр ва мавзу жиҳатдан таснифлаб ўрганиш мумкин.

1. Юбилей мақолалар (“Профессор ва “назарипаст” шогирд ҳангомаси”, “Академик Қўшжоновнинг “Устози”);

2. Хотира мақолалар (“Ҳалоллик ва шижоат”, “Жасур посбон”, “Умр бўйи ҳамнафас”, “Ибрат”, “Бутунларнинг бутуни”, “Тафаккур”нинг домласи”, “Пичирлашни билмаган одам”, “Дўрмон асири”, “Адабиётнинг мардикори”, “Умр – аланга”, “Ёзувчининг ёзувчи ўғли”, “Валламат ака-укалар”, “Отаўғил”, “Яхшилик қилу сувга от...”, “Агар сизга дўст керак бўлса...”);

3. Сўзбоши мақолалар (“Оғир қоғоз заргари”, “Авлиёдан кам эмас”).

Хотираларнинг кимларга, нима муносабат билан ёзилганлигига эътибор берилса, Э.Аъзам хотиралари машҳур ёзувчилар, олимлар, кинорежиссёр, бир сўз билан айтганда, муаллифнинг эътиборини ўзига тортган истеъдодли шахслар, яъни замондошлари ҳақида ёзилган.

Э.Аъзамнинг адабиётшунос олим, таржимон, муҳаррир, эссенавис ва фан арбоби Озод Шарафиддинов ҳақида учта хотира мақоласи бор. Булар: “Тафаккур”нинг домласи”, “Пичирлашни билмаган одам”, “Авлиёдан кам эмас” хотира мақолаларидир. Биринчи “Тафаккур”нинг домласи” хотира мақоласида Озод Шарафиддиновнинг илк бор журнал ташкил қилинган

пайтда жамоа билан ишлаши, тахририятга келган материаллар устида қаттиқ тахрирлаши ҳақидаги ҳаётий воқеалар қаламга олинган. Бундан ташқари, Э.Аъзам мақолада Устознинг журналдаги талай ташаббуслари, шов-шувли мақолалари, гўзал таржималари ва компьютерга ишқибозлиги ҳақида, сўнгра “Жаҳон адабиёти” журналининг таъсис этилиши муносабати билан “Тафаккур”дан истар-истамай кетиши ҳақида ҳаётий ҳикояларни баён қилади.

Хуллас, Э.Аъзам О.Шарафиддинов билан бирга ишлаш бахтига сазовор бўлганидан фахрланиб, Устоз билан ўтказган унутилмас кунларни “гоҳ марок, гоҳ армон билан” эслаб жуда самимий, жонли хотира мақолалар ёзишга муваффақ бўлган. Шунингдек, муаллиф О.Шарафиддиновнинг ишлаш услубида А.Қаҳҳордан мерос бўлиб ўтган баъзи бир яхши одатлар хусусида ҳам ёзади: “Ваҳоланки, Озод ака устоз Абдулла Қаҳҳордан мерос бир одатда маҳкам тутар, ўзларига яқин олган шогирдларининг туриш-турмушидан мудом хабардор, ютуғидан қаттиқ қувонар, камчилигини ҳам оталарча бағрикенглик билан кечира билар эди”. Хотиранавис мақолада олимнинг ҳаётда ҳам, ижодда ҳам “дангалчи”, “мардона” инсон бўлганлигини алоҳида таъкидлаб кўрсатади.

## УМУМИЙ ХУЛОСА

1. Эркин Аъзам адабий-эстетик қарашларининг шаклланишида оилавий муҳит, адабий муҳит, бадий-эстетик тажриба ва анъана, ижтимоий-сиёсий муҳит каби омиллар таъсири катта бўлди. Абдулла Қаҳҳор, Асқад Мухтор каби устозлар ва тенгдошлар ижоди ҳам катта ижобий таъсир ўтказди.

2. Адибнинг илк ҳикояларида лиро-романтик услуб етакчилик қилади, 70-йиллар адабий авлоди сафида адабиёт майдонига кириб келган Мурод Муҳаммад Дўст, Тоғай Мурод, Хайриддин Султон, Нодир Норматов каби бир гуруҳ истеъдодли ёшлар насрига хос киноявий бадий услуб, қаҳрамоннинг ўз-ўзини таҳлил ва тафтиш этиш руҳий тасвирий усули, кўповозилик каби янгилашлар Эркин Аъзамнинг сўнгги йиллар ижодида ҳам яққол кўзга ташланади.

3. Эркин Аъзам адабий авлоди собиқ Шўро жамиятининг ич-ичидан нураб бораётганини англаб етган, бу англаш натижаси ўлароқ, ўз насри ва бадий-публицистикасида жамият ва замондошлари ҳаётига киноя, сарказм, захарханда кулги, полифоник тасвир, рамзий киноявий бадий шартли воситаларини дадил олиб кирган, “ўзини ўзи англаётган”, “исён қилаётган” ва “шартаки одам” образларини маҳорат билан яратди.

4. Эркин Аъзамнинг “Эрталабки хаёллар” бадий-публицистик тўпламига жамланган адабий мақола, суҳбат, хотира, сафарнома, фикра, адабий портрет каби ўнлаб жанрда яратилган салкам 600 саҳифалик публицистика намуналарида адабиёт, ижод, жамият ва башарият ҳақидаги муаллифнинг самимий ўй-кечинмалари ва ҳиссий мулоҳазалари, танқидий қарашлари, муаллифнинг шахсий муносабати ёрқин акс этган; адиб публицистикасида ҳам киноя, пичинг, кесатиклар, ҳаётий ва адабий мисоллар таҳлили, умуминсоний ғоялар талқини етакчилик қилади.

5. Адибнинг насрий, драматик асарларидаги ўжар, қайсар, анойи, жайдари, чапани табиатли кишилар руҳиятидаги “исёнкор”, “мустақил фикрли”, “ҳалол, тоза” қаҳрамонлар унинг эстетик идеалидир; шунингдек, ёзувчи публицистикасида намоён бўлган адабиёт, ижод, илҳом, идеал қаҳрамон ҳақидаги шахсий мулоҳазалари ўзининг оригинал ва холис позицияси билан ўзбек бадий публицистикасида алоҳида ажралиб туради.

6. Эркин Аъзамнинг инглиз ва француз тилларига “Буюк осий Шайх Санъон ворислари” номи билан таржима қилиниб, европалик китобхонлар назарига тушган “Шовқин” романи ўзбек адабиётида жуда катта адабий воқеа бўлди; асарда собиқ Шўро даврининг таназули, алданган авлод фожеалари ноанъанавий тасвир, рамз, ҳикоят, қиёфадор образлар, дурагай образлар маҳорат билан теран акс эттирилган. Адиб романда Шарқ мумтоз адабиётида жуда кенг тарқалган Фаридиддин Аттор, Алишер Навоий каби классик адиблар достонида қўлланилган “Шайх Санъон қисса”сидан киритма ҳикоя сифатида унумли фойдаланади, бу қисса мазмуни ва Шайх қисматига XXI аср одамнинг ҳаёти ва қисматини параллел тасвирлаш орқали янгича бадий тасвирга эришади.

7. Э.Аъзам ўзбек драматургиясида ҳам “Жаннат ўзи қайдадир ёхуд Жийдалидан чиққан Жўракул”, “Фаррош кампирнинг туши”, “Шажара” каби қатор ҳангомалари билан янгилашиш қилди; хусусан, “Фаррош кампирнинг туши” ҳангомасида кампирнинг “дийдиёлари”га, “Шажара”да “тусланиш” каби сахнавий қисмларга ажратиб, ўзбек драматургиясида янгилашишлар қилди. Драматург адибнинг мазкур драмаларида ҳам худди насридаги каби киноявий заҳарханда услуб ва ўткир сарказм унсурлари етакчилик қилади; ёзувчи “Фаррош кампирнинг туши”да туш мотивини қўллаш, “Шажара”да Умар Болта, насабшунос, шажарашунос Зайтунаҳон образларини яратиш, хусусан, драма матнида гужумга осилган икки бош чаноқ детали орқали Шарқ мумтоз адабиётидаги дидактик ривоятлар мазмуни сингдирилган.

8. Эркин Аъзам яратган бир-биридан мазмунли, маъзи тўқ 40 дан зиёд фикраларда муаллифнинг жамият ва башарият ҳаётига, хусусан, ўзбек халқи ҳаётига, кундалик маиший турмушига, қолаверса, адабий масалаларига доир фаол, онгли муносабати акс этади; мазкур фикраларда замондошларимиз феъли-табиатидаги хушомадгўйлик, лаганбардорлик, раҳбарпарастлик, доҳийпарастлик, тилёғмалилик, “ойитқичлик”, эътиқодий айниш каби салбий иллатлар заҳарханда киноя билан танқид остига олинади.

9. Адибнинг 19 та хотирасида ўзбек маънавий ҳаётида ёрқин из қолдирган, шунингдек, шахсан ўзи чуқур ҳурмат қилган А.Қаҳҳор, К.Қаҳҳорова, А.Мухтор, О.Шарафиддинов, Б.Йўлдошев, М.Саъдий, Ш.Холмирзаев, Ҳ.Қодирий каби сиймолар ҳақида хотира-мақолалар, адабий портретлар яратганки, уларда ёзувчининг бу улуғ инсонлар ҳақидаги ҳаётий воқеалар баёни орқали замондошларига ва келажак авлодга уларнинг шонли ҳаёти ва ижоди ибрат қилиб кўрсатилади.

**SCIENTIFIC COUNCIL DSC.03 / 30.12.2019.FIL.05.02 ON AWARDING  
SCIENTIFIC DEGREES AT THE FERGHANA STATE UNIVERSITY**  

---

**KOKAND STATE PEDAGOGICAL INSTITUTE**

**KHOLMATOVA NIGORA YAKUBOVNA**

**LITERARY AND AESTHETIC VIEWS OF ERKIN AZAM**

**10.00.02 – Uzbek literature**

**dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on philological sciences**

**Ferghana – 2022**

The theme of the Dissertation of Doctor of Philosophy (PhD) was registered at the Supreme Attestation Commission under the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan under No. B2021.3.PhD/Fil692.

The dissertation has been prepared at the Kokand State Pedagogical Institute.

The abstract of the dissertation is available in three languages (Uzbek, English, Russian (resume)) on the website of the Academic Council ([www / idu / uz](http://www/idu/uz)) and on the Information and Education Portal "Ziyonet" ([www / ziyonet / uz](http://www/ziyonet/uz)).

**Scientific adviser:** **Kuchkarova Marhabo Khudayberganovna**  
doctor of philological sciences

**Official opponents:** **Qosimov Abduog'ofir Abdukarimovich**  
doctor of philological sciences

**Yakubov Islomjon Axmedjonovich**  
doctor of philological sciences

**Leading organization:** **Termez State University**

The defense of the dissertation will take place on «5» aprel 2022 at 14<sup>00</sup> at the meeting of the Scientific Council DSc.03/30.12.2019.Fil. 05.02 on awarding scientific degrees at the Ferghana state university (Address: 100151, Fergana city, Murabbiylar street 19. Tel: (99873) 244-44-02)

The dissertation can be reviewed at the Information Resource Center at the Ferghana state university (registered under the number 160). (Address: 100151, Fergana city, Murabbiylar street 19. Tel: (99873) 244-44-02)

The abstract of the dissertation was distributed on mart «24», 2022.  
(Register Protocol No. 45 dated 24 mart 2022).



**Sh. M. Iskandarova**  
Chairman of the Scientific Council  
on awarding Scientific degrees,  
Doctor of Philological sciences, Professor

**M.T. Zokirov**  
Scientific Secretary of the Scientific Council  
on awarding Scientific degrees,  
Candidate of Philological sciences, Docent

**A.G. Sabirdinov**  
Scientific Seminar chairman  
at the Scientific Council on awarding  
Scientific degrees, Doctor of Philological sciences,  
Professor

## INTRODUCTION

(abstract of the dissertation of Doctor of Philosophy (PhD))

**Topicality and necessity of the thesis.** In world literary criticism, the writer's literary and aesthetic views, artistic interpretation of life, aesthetic evaluation, the writer's aesthetic ideal, creative psychology, creative workshop are gaining attention. Therefore, the study of the literary and aesthetic views of a mature writer has become the main goal in every national literature. In the process of globalization, a deep understanding of the writer's artistic concept in the formation of people's consciousness and imagination on the basis of universal, national values, views on the formation of their image, idea, theme, problem, solution, writer's ideal acquires scientific and practical significance.

The formation of the writer's artistic and aesthetic views in world literary criticism, the study of his attitude to reality as realistic, romantic, ironic, the use of genres such as fikra, essay, memory in the analysis and critique of literary-artistic, socio-ethical criteria has long been emphasized. Therefore, there is a need for the writer to actively use the artistic journalistic style, to reveal his creative intent and artistic skills, as well as literary-artistic, socio-philosophical, artistic psychological factors in the organization of the structure of various works.

In recent years, there has been a growing demand to explore the creative person's closeness to the spirit of his epoch. In this sense, the study of the literary and aesthetic views of People's Writer of Uzbekistan Erkin Azam, as writer, prose writer, publicist, playwright, screenwriter in the context of new artistic and aesthetic views, including using advanced methods of studying world literature, creates the need for analysis and interpretation of the author's style and images created by the writer. Indeed, the fact that «Uzbekistan must be globally competitive in the field of science, intellectual potential, modern personnel, high technologies»<sup>10</sup> poses the challenge of literary criticism science to realize theoretical issues at the level of world requirements.

Accordingly, the parallel observation and analysis of the writer's journalistic, prose and dramatic work will be necessary. In particular, the formation of the writer's literary and aesthetic views, the environment, epoch, time, creative style, lyric and romantic mood and satirical position, journalistic genres (fikra-essays, travelogues, memories, conversations), critical thinking, demand and supply, a new poisonous satirical form of laughter against the social and spiritual-moral problems posed in the play that have been studied as scientific and theoretical problems determine the topicality of the dissertation.

This dissertation research serves to a certain extent in the implementation of the tasks set out in Resolutions of the President of the Republic of Uzbekistan, of February 17, 2017 No PR-2789 “On measures to further improve the activities of the Academy of Sciences, the organization, management and funding of research”, of September 13, 2017 No PR-3271 “On measures to develop a system of

---

<sup>10</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 22 декабридаги Олий Мажлисга мурожаатномаси // Халқ сўзи, 2017, 22 декабрь. - №258 (6952).

publishing and distribution of book products, increase reading and promote the culture of reading”, of October 19, 2020 No. PR-4871 Resolution “On the celebration of the 580th anniversary of the great poet and thinker Alisher Navoi”, the resolution of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan dated February 16, 2018 No. 124-F “On holding the international conference on “Current issues of international study and promotion of Uzbek classical and modern literature” as well as in other legal documents, concerning this activity.

**Correspondence of research to the priorities of the development of science and technology of the republic.** This research was carried out in accordance with the priority of the development of science and technology of the republic I. “Formation of a system of innovative ideas and ways to implement them in the social, economic, cultural, spiritual and educational development of an informed society and a democratic state.”

**Problem development status.** In the history of world literature and literary-aesthetic thinking, the problem of the relationship between the literary-aesthetic views of the writer and the artistic creation has been studied extensively from a scientific and theoretical point of view<sup>11</sup>. There were created the monograph “History of literary and aesthetic thinking” on the basis of co-authorship, and dissertations, pamphlets, articles of other authors in Uzbek literary criticism<sup>12</sup>..

---

<sup>11</sup> Афлотун. Давлат. – Тошкент: Янги аср авлоди. 2015. – 464 б.; Арасту. Поэтика. Ахлоқи кабир. Риторика. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2012. – 352 б.; Георг Вильгельм Фридрих Гегель. Эстетика. Биринчи жилд. Рус тилидан Махмуд Абдуллаев таржимаси. – Тошкент: Ўзбекистон файласуфлар жамияти, 2011. – 360 б.; Бахтин М.М. Вопросы литературы и эстетики. – Москва: Худож. лит., 1975. – 504 с.; Кант, Иммануил. Критика способности суждения. – Москва: Искусство, 1994 — 365.; Ковалев А.Г. Психология литературного творчества. – Л.: ЛОЛГУ, 1960; Выготский Л.С. Психология искусства. – Москва: Просвещение, 1986; Понамарев Я.А. Психология творчества. – М.: Наука, 1976; Лук А.Н. Психология творчества. – Л.: Наука, 1978; Психология процессов художественного творчества. – Л.: Наука, 1980; Мейлах Б.С. Психология художественного творчества: предмет и пути исследования. – Л.: Наука, 1980; Асмаилов А.Г. Психология личности. – М.: МГУ, 1990; Тамарченко Н.Д. Теоретическая поэтика: понятия и определения – М.: МГУ, 1999; Томашевский Б.В. Теория литературы поэтика. – М.: АСПЕКТ ПРЕСС, 1999; Есин А.Б. Принципы и приемы анализа литературного произведения. – М.: Флинта-Наука, 2000; Теория литературы а двух томах. (под редакцией Н.Д.Тамарченко). Том 1. Н.Д.Тамарченко., В.И.Тюпа., С.Н.Бройтман. Теория художественного дискурса теоритическая поэтика. – М.: АCADEMIYA, 2004; Теория литературы а двух томах. (под редакцией Н.Д.Тамарченко). Том 2. С.Н.Бройтман. Историческая поэтика. – М.: АCADEMIYA, 2004; Теория литературных жанров. (под редакцией Н.Д.Тамарченко). – М.: АCADEMIYA, 2011.

<sup>12</sup> Тогаев О. Ўзбек бадий публицистикаси (назария ва маҳорат масалалари). – Тошкент: Фан, 1973. – 207 б; Худойкулов М. Ўзбек бадий публицистикасининг шаклланиш тамойиллари (XIX аср охири XX аср ўрталари ўзбек матбуоти материаллари асосида): филол. фанлари доктори ...дисс. – Тошкент, 2001. – 293 б; Шу муаллиф. Бадий публицистика жанрлари. (ўқув қўлланма) – Тошкент: Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети босмахонаси, 2004. – 54 б; Раҳимжонов Н. Илмий тафаккур жилolari. – Тошкент: Фан, 1991. – 64 б; Шу муаллиф. Истиклол ва бугунги адабиёт. – Тошкент: Ўқитувчи, 2012; Шу муаллиф. Қодирийшунослик қирралари. – Тошкент: Наврўз, 2015. – 204 б; Болтабоев Х., Махмудов М. Адабий-эстетик тафаккур тарихи. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2013. – 400 б; Досмухамедов Х.Н. Журналистнинг касб-одоби муаммолари: назарий ва методологик таҳлил (Мустақиллик даври ўзбек матбуоти фаолияти мисолида. 1991-2008 йиллар): Султонов У. Чўлпоннинг адабий-эстетик қарашлари: филол. фан. номзоди ...дис. автореф. – Тошкент, 1995. – 29 б; Абдумуратов А. Публицистика Т.Каипберганава: специфика, тематика, жанрово-стилистические особенности: автореф. дис. ...канд. филол. наук. – Ташкент, 1997. -21 с; Саидов Х. Махмудхўжа Беҳбудийнинг публицистик ва муҳаррирлик фаолияти: филол. фанлари номзоди ... дис. – Тошкент, 1998. – 137 б; Йўлдошбекова С.С. Чўлпоннинг публицистик ва муҳаррирлик фаолияти: филол. фанлар номзоди ... дис. автореф. – Тошкент, 2002. – 30 б; Тошмухаммедова Л. Абдулла Қодирийнинг адабий-эстетик қарашлари: филол. фанлари номзоди ... дис. автореф. – Тошкент, 2005. – 26 б; Тўлаганова С. Ижодкор шахси ва адабий қахрамон муаммоси (Абдулла Қодирий ижоди): филология фан. док. дисс... автореф. – Тошкент: 2019. – 70 б; Қўчқорова М.Х. Ҳозирги ўзбек адабиётида эссе жанри: филол. фанлари номзоди ... дис. – Тошкент, 2004. – 134 б.; Жамилова Б. Ўзбек болалар публицистикаси ва унинг

The works of Erkin Azam have been studied by literary scholars as O. Sharafiddinov, N. Karimov, N. Vladimirova, U. Normatov, A. Rasulov, Y. Solijonov, K. Yuldoshev, F. Hamraev, N. Jabborov, Sh. Rizaev, M. Kuchkarova, S. To'laganova, G. Sattarova, M. Sheralieva, O. Shofiev, M. Baratova<sup>13</sup>.

The works of the writer were studied from the linguistic point of view in the researches of Z. Umrkulov, Y. Odilov, D. Andaniyozova, Sh. Tashkhodjaeva. The collection of scientific articles “Artistic world of Erkin Azam” and monographs of researchers are considered as positive results in this field<sup>14</sup>. However, the issue of

---

ривожланиш тамойиллари: филол. фан. номзоди дисс... – Бухоро, 2004. – 155 б; Курбонова С. Ёзувчи публицистикасининг тараққиёт тамойиллари. - Тошкент: Муҳаррир, 2012, - 128 б; Гаипова Ҳ.Қ. Матназар Абдулҳакимнинг бадиий ва публицистик маҳорати: филол. фалсафа док. (PhD) дис... автореф. – Тошкент: 2019. – 54 б; Бурхонова Ф.А. Муаллиф адабий-эстетик қарашлари ва ижодий параллелизм (Н.Эшонқул ва У.Ҳамдам ижоди мисолида): филол. фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) ...дисс. автореф. – Тошкент, 2019. – 52 б.

<sup>13</sup> Владимирова Н. Новеллачиликдаги изланишлар // Ўзбек тили ва адабиёти. 1988. №6. –Б. 13-16; Норматов У. Янги аср одамлари // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 2009. 29 май; Солижонов Й. Тушунишнинг ўзи бахт // ЎзАС-2004 йил 26 январь. Жабборов Н. Ҳаёт булоғидан бахраманд ижод // Халқ сўзи. 2009. 29 май; Ризаев Ш. Мурасали умр ҳикояти// Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 2010. 15 январь; Сатторова Г. Рухият сувратлари талқини // Ишонч. 2009. 28 май; Тўлаганова С. Янгилаётган қаҳрамон талқини // Ўзбек тили ва адабиёти. 2012. №4. 95-99- бетлар; Тўлаганова С. “Қурок”нинг кўзи // Ёшлик. 2014. №12. – 35-37 бетлар; Улуғов А. Зиддиятлар талқини // Шарқ юлдузи. 1987. №9. – Б. 185-196; Улуғов А. Носирга истак // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1989. 17 март; Улуғов А. Жаннат ўзи қайдадир? // Хуррият. 2009. 27 июнь. – Б. 9; Қўчқорова М. “Шовқин”нинг шов-шувлари // Ёшлик. 2013. №1. 44-45-бетлар; Кучкарова М. Художественная обусловленность иронии (на материале произведения Э.Агзама) // Преподавание языка и литературы. 2013. №5. С. 31-33; Қўчқорова М. Киноявий образ яратишдаги бадиий шартлилик воситалари / Ўзбек адабиёти масалалари. Илмий мақолалар тўплами. Тошкент: 2013. 45-60-бетлар; Қўчқорова М. Асосий машғулоти адабиёт, аммо омадим кинода чопди... Эркин Аъзам билан суҳбат // Шарқ юлдузи. 2014. №1. – Б. 158-162; Қўчқорова М. Эркин Аъзам насрида сув шартли бадиий тимсоли // Тил ва адабиёт таълими. 2013. №12. – Б. 38-40; Қўчқорова М. Киноявий наср ва бадиий шартлилик // Ўзбек тили ва адабиёти. 2013. №6. –Б. 48-52; Қўчқорова М. Esas meşguliyetim edebiyattir fakat sinemada başarılı oldum...Sühbet. // Güncel sanat. Türkiye-Alaniya. 2014. Sayı 31. Temmuz-ағустос. S. 34-39; Қўчқорова М. Günümüz özbek nesrinde dağ simgesi /Edabiyatta dağ. XXV. Uluslararası KIBATEK edebiyat sempozyumu. Alanya-Türkiye 30-ekim-3-kasım 2013. Ankara Başkent klise matbaacılık. 2013. 490 s. – S. 271-280; Қўчқорова М. Янгиланган реализм: киноя, байтбарак, прототип масаласига доир / Ўзбек адабиётшунослигининг долзарб муаммолари. – Тошкент: Фан, 2018. – Б. 174-184; Шералиева М. Ҳозирги ўзбек насрида киноя (ижтимоий-психологик омиллари, поэтик тизимдаги ўрни): Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Тошкент, 2018. – 52 б. Шералиева М. Қаҳрамон позицияси эстетик аналогия сифатида / Бобурнинг андишаси. Тошкент: Турон замин зиё, 2015. – 88 б. – Б. 35-42.; Шералиева М. Насрда лиризм ва киноя. (Эркин Аъзам асарлари мисолида) // Шарқ юлдузи. 2012. №1. – Б. 156-161; Шофиев О. Истиқлол даври ўзбек ҳикоячилигида образлар хилма-хиллиги (Эркин Аъзам ҳикоялари мисолида) / XXI аср – интеллектуал авлод асри илмий –амалий анжуман материаллари (7-8-июнь). Термиз -2016. 131-137-б; Шофиев О. Давр ва қаҳрамон / “Ёш олимлар” республика илмий-амалий конференцияси. 2016-йил 29-30-январь, 1-қисм. – Термиз, “Тафаккур”, 2016. – Б. 340–341.; Шофиев О. Деталь – муҳим тасвирий восита сифатида / Филологиянинг долзарб муаммолари. Илмий-амалий анжуман материаллари. Термиз. 2016. 18 май. – Б. 102-104; Шофиев О. Париждан қўнғироқ бўлгунча ва бўлгач // Сурхон ёшлари. 2015. 15 июль; Шофиев О. “Эрталабки хаёллар” жозибаси // Сурхон ёшлари. 2016. 15 апрель. – Б. 6; Шофиев О. Ўзбек адабиётшунослигида Эркин Аъзам ижодининг ўрганилишига доир айрим мулоҳазалар / “Филологиянинг долзарб масалалари” республика илмий-анжуман материаллари (2017-йил 6-апрель). – Термиз -2017. 63-67-б; Шофиев О. Образларнинг қиёсий тадқиқи: типология ва индивидуаллик / “Ўзбек филологиясида таҳлил ва талқин муаммолари” мавзусидаги республика илмий-назарий анжуман материаллари (2017 йил 26-27-май). 1-китоб. – Наманган, 2017. – Б. 255–258.

<sup>14</sup> Эркин Аъзам бадиий олами. - Тошкент: Турон замин зиё, 2014. – 304 б; Қўчқорова М. Ҳозирги ўзбек насрида бадиий шартлилик. – Тошкент: Фан, 2020. – 248 б; Шералиева М. Ҳозирги ўзбек насрида киноя. – Тошкент: Академнашр, 2016. – 224; Шофиев О. Эркин Аъзам насри бадиияти. – Тошкент: Қақнус медиа, 2019. – 172 б. Баратова М. Эркин Аъзам асарларининг бевосита инглизча таржимасига хос хусусиятлар. Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Бухоро, 2020.

Erkin Azam's literary and aesthetic views and their transition to his artistic creation has not been studied enough in literary criticism.

**Relevance of the dissertation with the plans of scientific research works of the higher educational establishment where the dissertation has been conducted.** The dissertation research was completed within the framework of the fundamental project of the Institute of Uzbek Language, Literature and Folklore of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan OT-F1-77 “Preparation for publication of 100 volumes of “Masterpieces of Uzbek literature” and the curriculum of Kokand State Pedagogical Institute.

**The aim of the research work** definition of the literary and aesthetic views of Erkin Azam, a parallel study of the writer's artistic creativity and journalistic genres, expressing the writer's personal position towards the world and towards man, revealing the formation of the writer's artistic and aesthetic views in two different types of creativity.

**The tasks of the research:**

to reveal the role of family, way of life, social, literary environment in the formation of the author's literary and aesthetic views;

to determine the manifestation of the author's aesthetic world ideal through the lyric and romantic creative style inherent in the early stories of the writer;

to reveal the author's critical-satirical position the satirical artistic mode and similar images, symbols and metaphors, created in the novel “Noise”;

to expose the vices of “dependency”, “selfishness”, “spiritual depravity”, “immorality” in dramatic genres, in particular showing a new interpretation of the legends of the East, and the creative traditions of Alisher Navoi;

scientific substantiation of the author's literary-aesthetic world and his critical attitude to reality, literary process in literary genres, as well as dramatic works, such as literary articles, memoirs, fikra, travelogues, road memoirs, interviews.

**The object of the research** are the collection “Morning Dreams” by Erkin Azam with articles, travelogues, memoirs, open letters, opinions, conversations, as well as his literary works collections “Night of not extinguished lights”, “The Green world”, “Year of Otoy’s birth”, “Days other than holiday”, “Guli guli”, “The man who is late”, “Where is heaven itself”, “The lonely boat”, “The writer’s garden”, “Selected works. 5-volume” (2 volumes).

**The subject of the research** is the study of Erkin Azam's literary articles, memoirs, travelogues, essays, open letters, conversations and literary works (novels, stories, film short stories, tales, dramas).

**Research methods.** The analytical, comparative-typological, comparative-historical, psychological, structural, hermeneutic methods of analysis were used to cover the research topic.

**The scientific novelty of the research:**

there was substantiated an important role of the family, education, learning from master creators in the formation of the writer's literary and aesthetic views, as well as the lyric and romantic mood and creative style in the early creative stages,

there was substantiated that satire and sarcastic laughter, both in prose and in dramatic works of the writer, have become a means of expressing the artistic and ideological position and aesthetic ideal of the author;

the predominance of irony and poisonous laughter in the artistic interpretation of the spiritual-moral problems in his works was substantiated;

there were revealed the nation-wide and global significance of social, domestic, spiritual and moral problems in the writer's artistic journalism, as well as his proposal to humanity and our society, his intolerance to outdated national traditions and social flaws, expressed in the genre of fikra-essay through the writer's aesthetic world, and his sharp commentary.

**Practical results of the dissertation are:**

the writer's literary-aesthetic views and creative psychology, the issues of the writer's aesthetic ideal are determined on the basis of advanced approaches of modern literature;

the manifestation of Erkin Azam's literary and aesthetic views is revealed through the analysis of articles, fikra-essays, memoirs, travelogues included in the collection "Morning Dreams";

Erkin Azam's enrichment of the realistic method of imagery with a satirical artistic mode, symbolism, sarcasm, light-hearted laughter, and poisonous laughter was shown in the example of the analysis of dramatic, journalistic works;

Erkin Azam's literary-aesthetic views and the predominant qualities of his artistic work have been proved as to be formed on the basis of Western literature and national literature, as well as his own creative individuality;

Erkin Azam's scientific theoretical views related to the creative laboratory, such as literature, work of fiction, art, and inspiration, were determined by the writer's own reflections;

the difference between Erkin Azam's editorial, journalistic activity, research in cinematography and artistic creation is shown on the basis of theoretical views.

**Reliability of research** results is determined by the fact that the problem is clearly stated, the scientific and theoretical conclusions and analyzes are based on analytical, comparative-typological, historical-comparative, structural, hermeneutic, classification, descriptive, contextual methods.

**Scientific and practical significance of research results.**

The scientific significance of the dissertation reflected in the scientific-theoretical definition of Erkin Azam's literary and aesthetic views, and the results of research can be used in the creation of the writer literary portrait, as well as monographs on creative psychology, creative aesthetic ideals and the history of modern Uzbek literature.

Practical significance of the work can be used in the preparation of methodological complexes, special and competition courses, as well as in writing and compiling textbooks, manuals on "Modern literary process", "History of Literature", "Theory of Literature", "Fundamentals of literary analysis", "New Uzbek literature" for philological faculties of higher educational institutions, academic lyceums.

**Implementation of the research results.** Research on the literary and aesthetic views of Erkin Azam, the scientific results obtained were applied on the following basis:

from the general scientific and theoretical conclusions on the life and work of the writer in the “Introduction” written in the volume of novels, tales and short stories such as “Noise”, “Poet's wedding” in “Erkin Azam. Selected works” included in the “Preparation of 100 volumes for publication of “Masterpieces of Uzbek literature” OT-F1-77 (certificate No. /3 / 1255-223 of the Academy of Sciences of January 25, 2021). As a result, Erkin Azam's literary and aesthetic views on the problems of literature, creativity, art, genres, time and epoch were the basis for the coverage of the “Introduction”;

from the analysis of a number of works of fiction, reflecting the active and conscious, open attitude of the writer in literary articles, fikra-essays, conversations, included in the collection of “Morning Dreams” in the study of artistic interpretation and contemporary image of the problems of globalization; Erkin Azam's more than 40 leading fikra-essays in fiction and journalism, including “Zarchopon”, “Sunflowers”, “Missing the Semolina”, “Don't hurry, hurry ...”. The author's scientific-theoretical conclusions in this genre, such as criticism, suggestions and putting the problem were used in the fundamental project OT-F1-80 – “Artistic interpretation of globalization problems and the contemporary image” (certificate №3 / 1255-2435 of the Academy of Sciences, September 6, 2021). The result is the diversity of genres of Erkin Azam's art-journalism, the writer's innovations in this genre and theme; the results of his research on literary, aesthetic views on literature, creativity, art, genres, problems of the time and epoch were the basis for the creation of a collection “Artistic interpretation of globalization problems and the contemporary image” (Tashkent: Muharrir, 2018).

The scientific-theoretical conclusions, suggestions and recommendations put forward in the paragraphs and chapters devoted to the study of the common and different artistic features of Abdullah Qahhor and Erkin Azam's prose and journalism were in the study of the practical project implementation A-1-059 “Abdullah Qahhor in the literary mirror of Independence” (certificate No. 01-12-10-5063 of the Ministry of Culture of the Republic of Uzbekistan dated November 11, 2020). As a result, the article, along with the thesis and other materials published on the research, was also the basis for grant conclusions and enrichment of the museum fund;

analytical opinions and theoretical conclusions were used in the scenarios of radio and broadcasting programs “Adabiy Jarayon”, “Bedorlik”, “Taqdimot” of the Uzbek Television and Radio Company (July-August 2020) (certificate No 04-25-795 of the TV channel “Uzbekiston” of Uzbek National Television and Radio Company dated September 3, 2020; certificate No 02-40-1258 of the TV channel “Uzbekiston tarihi” dated August 2, 2021). As a result, the scientific and analytical observations of the People's Writer of Uzbekistan Erkin Azam on the topic “The story of Sheikh San'an” as a symbolic metaphor in the novel “Noise” was a basis of radio listeners' interest. In particular, the results of an interesting study on the

use of Sheikh Sanan story as a parallel symbol in the psyche and life of the novel's protagonist Farhod Ramazan, used in the text of the novel, served to expand their worldview and knowledge. Also, in the program "Taqqimot" there was a harmonious theme and interpretation of ideas between the artistic and publicist "Morning Dreams" and the works of fiction, which reflect the literary and aesthetic views of Erkin Azam; irony, critical analysis, attitude to modern problems, fikra-essays of the writer's sharp and quick literary-aesthetic vision, conversations, impressions of the trip, memories were briefly presented to the audience in the presentation. As a result, fans of science and a wide range of literature lovers were provided with a number of analytical comments on the large-scale study of Erkin Azam's literary and aesthetic views on literature, creativity, artistry, genres, problems of time and epoch;

The results of the study were used at the reporting meetings of the Creative Councils on prose, literary criticism, in the activities of the clubs of the Writers' Union, at literary events held in honor of the 70th anniversary of the People's Writer of Uzbekistan Erkin Azam in 2020, scientific and theoretical conferences and meetings with young writers. (Certificate No. 09-32/11 of the Union of Writers of Uzbekistan dated May 19, 2021 and certificate No. 36 of the Fergana regional branch of the Union of Writers of Uzbekistan dated October 28, 2020). As a result, Erkin Azam, one of the most prominent representatives of modern Uzbek prose, became an important figure in prose and journalism, satire and its peculiar means in the artistic and journalistic interpretation of modern problems. The analysis of the novels "Noise", "Days other than holiday", "Zabarjad", "Year of Otoy's birth", "Poet's wedding" served to increase the knowledge of students.

**Approbation of the research.** The results of the research were discussed by the scientific community at 9 scientific conferences, including 2 international and 7 national scientific conferences.

**Publication of research results.** 16 scientific papers have been published on the topic of the dissertation. 6 articles were published in scientific journals recommended by the Higher Attestation Commission under the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan for publication of the main scientific results of doctoral dissertations, 5 articles were published in republican and 1 article was published in foreign scientific journals.

**The structure and scope of the dissertation.** The dissertation consists of an introduction, three main chapters, a conclusion and a bibliography. The total volume of the dissertation is 144 pages.

## MAIN CONTENT OF THE DISSERTATION

**The introductory part** is based on the topicality of the dissertation, describes the aim and tasks, object and subject of research, its relevance to the priorities of science and technology of the republic, describes the scientific novelty and practical results of the research, the scientific and practical significance of the

results, presents information on published works and the structure of the dissertation.

The first chapter of the dissertation “**Literary and aesthetic views of Erkin Azam: basis and perfection**” consists of two paragraphs. The first paragraph is entitled “*Formation of a creative person’s worldview*”.

It is known that the work of art, first of all, expresses the mature artistic and aesthetic ideals of the people to whom the author belongs, as well as of all mankind. In this sense, the works of the People's Writer of Uzbekistan Erkin Azam depict the psyche, way of thinking and life of a modern hero. They assess the people's pain, dreams, aspirations, various realities in society from an artistic-aesthetic or artistic-publicist point of view. This depends on the writer's literary-aesthetic worldview. Since “Systematically defined art should be the aesthetics of the art of artistic expression.”<sup>15</sup> Therefore, through a systematic study of Erkin Azam's work, it is possible to gain a deeper understanding of his attitude to the aesthetics of word art.

To date, the author has presented more than a dozen art collections to the general literary community. He has written Uzbek prose in the genres of novel, short story, film, tale and drama. At the same time, the writer also wrote in the genres of art journalism, travelogue, fikra-essay, literary notes, literary portrait, memory, conversation.

The basis of the formation of E.Azam's literary and aesthetic views was the artistic and aesthetic experience of the great generation of creative people of our national literature. At the same time, the great writers of world literature A. Nesin, Ch. Aytmatov, from his contemporaries the writer Murod Mukhammad Dust attracted the attention of E.Azam by a new style and the novelty of the writer’s aesthetic ideals. It was studied in this chapter that the life and work of two great teachers of E.Azam A.Qahhor and A.Mukhtor, their literary personality played an important role in the formation of Erkin Azam's literary and aesthetic worldview.

By the 1970s, it was becoming clear that vulgar sociological demands could no longer justify themselves. Because it became clear that the artistic heroes and plots created at the request of the creative method of socialist realism remained a dry schematic and were an artificial ideological literature far removed from the life of the living people. Now the reality and fictional heroes also had to be updated. There is even a need to change the possibilities of realism that have become a tradition. In this situation, the literary generation of the 70s breathed new life into Uzbek literature. In particular, talented writers such as Murad Mukhammad Dust, T. Murad, E. Azam, H. Sultan demonstrated their new methodological research and presented their new works. For example, in four stories included in the collection “Night of not extinguished lights”, E.Azam created a new type of artistic images that are completely different from the images in Uzbek prose.

Indeed, as researchers acknowledge, the literary generation of the 1970s also renewed aesthetic ideals in Uzbek literature. For example, the ideal heroes of A. Kadyri, such as Otabek, Kumush, Yusufbek Haji, Oftob Oyim, Mirzakarim

---

<sup>15</sup> Бахтин М.М. Вопросы литературы и эстетики. – Москва: Художественная литература, 1975. – С.10.

